

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ ОҒИР ЖИНОЯТ

«Ҳидоят»нинг ушбу сони тайёрланаётган кунлари мамлакатимизда авваллари мисли кўрилмаган бир-иккита қабих иш юз берди. Қора ниятли кучлар қалбидаги иллат ва маразларнинг навбатдаги бир тошқинини, бир хуружини кўрдик. Инсонийлигини йўқотган бетайин кимсалар фитна қилди. Одамлар ноҳақдан қурбон бўлди. 1999 йил 16 феврал жароҳати эндигина битиб, мамлакат у даҳшатли портлашлар асоратидан эндигина қутула бошлаган эди.

Албатта, журналимиз то босмадан чиқиб, сиз азиз ўқувчиларимизга етиб боргунича бу янги ҳодиса ҳам, матбуот нуқтаи назаридан, балки долзарблигини йўқотар. Лекин бир нарса эскирмаса керак: воқеа устида одамлар роса гапирди, радио-телевидение шарҳлади, матбуот ёзди, ҳатто чет эл оммавий ахборот воситалари ҳам ҳафта давомида Ўзбекистонимизни диққат марказида тутди.

Умумий аҳвол шундайки, баъзан бир воқеанинг уч-тўрт хил “талқини”ни эшитдик. Бу хабарлар бирор аниқ манбага ёки мутасадди ташкилотдан олинган расмий маълумотларга асосланмайди. Ҳар ким ўзидан ҳар хил “тафсилотлар” кўшиб, бошқаларга етказишга шошилади. Гапирганлар тил, ёзганлар қалам масъулиятини унутиб қўйгандай. Ҳолбуки, ўзи билмаган нарсаларни сўзлаш ёлғон гувоҳлик беришга кириши, ёлғон гувоҳлик эса, фитна оловига баттар ўтин қалаш бўлгани учун портлашдан ҳам оғир гуноҳ (жиноят)дир.

Динимиз асослари — Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда тилга эҳтиёт бўлиш қайта-қайта таъкидланган. Ёлғон сўзлаш, ёлғон гувоҳлик бериш мўмин кишига буткул ёт экани таъкидланган. Зеро, ёлғончилар бу дунёда эътибордан қолсалар, охирада турли азобларга йўлиқадилар. Аллоҳ таоло турли оятларда шундай марҳамат қилади:

“Аллоҳ таоло ҳаддан ошган ёлғончини тўғри йўлга бошламас”;
“Ёлғончилар ҳалок бўлсин!”
“Сўнгра Аллоҳ таолонинг лаънати ёлғончиларга бўлсин деб илтижо қилайлик”.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) ёлғон ва ёлғончилар ҳақида бундай деганлар:

“Ёлғон бузуқликка, бузуқлик дўзахга бошлайди. Киши ёлғон гапираверар экан, Аллоҳ таоло ҳузурда ёлғончи деб ёзиб қўйилади”.

“Энг улкан ёлғон кўзи кўрмаган нарсани кўрдим деб даъво қилишдир”;

“Ноаниқ сўзлар ёлғондан ҳоли эмасдир”;

“Эшитган нарсасини гапириш кишига етарли гуноҳдир”;

“Гумондан сақланинг! Зеро, гумон ёлғон сўздир”.

Қуръони карим ва суннати набавийнинг ҳақлигини эътироф этган ҳар бир мўмин банда буларни ёдда тутиши лозим.

Ёлғон дўзахга элтади. Бу ҳақда ҳадиси шарифларда шундай дейилади:

“Гапларнинг ёмони ёлғондир, ёлғонни ҳазилашиб ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга”;

“Ростгўйликда хавфу хатар кўрсаларинг ҳам, рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсаларинг ҳам, ёлғондан сақланглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой”;

“Ёлғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан қўзғалмай туриб Аллоҳ унга дўзахни раво қилиб қўяди”.

Ёлғон гувоҳлик берувчи қуйидаги гуноҳларни қилади:

Биринчи: ёлғон ва бўҳтон гуноҳини олади.

Иккинчи: кимга қарши ёлғон гувоҳлик берса, унинг моли, обрўйи ва ҳаётига зарар бериши билан зулм қилади.

Учинчи: кимнинг фойдасига ёлғон гувоҳликка ўтса, унинг ҳаром молга эга бўлишига сабаб бўлади. Ҳаром молни олган кишининг жойи дўзахдир. Ёлғон гувоҳлиги билан унга ҳам зулм этган бўлади.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) марҳамат қиладилар:

“Ҳар бир мусулмоннинг моли, қони ва обрўйи(га тажовуз) иккинчи мусулмонга ҳаромдир”.

Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) саҳобаи киромларга гуноҳи кабираларни санаб, ёлғон сўз гапириш ҳам улар жумласидан, деб бир неча бор тақрорлаганлари учун ёлғон гапириш қанчалик оғир эканини мусулмонлар яхши билиб олишлари лозим.



МУНДАРИЖА

<i>Бугуннинг гапи</i> Ёлгон гувоҳлик бериш оғир жиноят	1
<i>Давра суҳбати</i> Илм, сабр ва матонат билан элни жаҳолатдан асрайлик	6
<i>Бугуннинг гапи</i> Ҳорун ЯҲЁ Ёвузликнинг асоси Исломдан ташқарида	8
<i>Ақида</i> Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН ал-ҲУМАЙЙИС Ёшларга ақоид дарслари	10
<i>Амри маъруф</i> Зиёуддин РАҲИМОВ Намозда ҳикмат кўп	15
<i>Мулоҳаза, муносабат</i> Фотимахон СУЛАЙМОН қори қизи Аёлнинг ҳаққи	21
Қодирхон АБДУРАЗЗОҚОВ Нафақа эрининг бурчи	21
<i>Ҳидоят топганлар</i> Нима учун Ислом динини танлашяпти	22
<i>Шеърят</i> Тошпўлат ХОЛМАТ Кўнгилни ҳеч тор қила кўрманг	24
Толиб НОСИР Изҳор	25
Абдулбосит АБДУЛЛОҲ Дунё ўзи	25
<i>Тарих</i> Ўтамиш Ҳожи ибн МУҲАММАД ДЎСТИЙ Ўтамиш Ҳожи тарихи	26
Фулом КАРИМ Ноёб ёдгорлик	27
<i>Ибратли ҳикоялар</i> Мухтор СУЛТОНҚУЛОВ Қариндош кўшининг алдови	29
<i>Мунаввар олам</i> Вафо ФАЙЗУЛЛО Ислом ҳазораси	30
<i>Мактуб</i> Тошқул САФАРОВ Одам дуо билан кўкаради	31
<i>Мулоҳаза, муносабат</i> Беҳзод МУҲАММАДИЕВ Уларга раҳим келади	32
Аҳмад МУҲАММАД Ҳамият қаёқда қолди?	32

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Тил ва имло
Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

4

УМУМИЙ ҚОИДА ЯРАТИБ БЎЛМАЙДИ

Гоҳ “Аллоҳ”, гоҳ “Оллоҳ” тарзида ёзамиз. Тажвид қоидасига кўра, иккаласи ҳам нотўғри. Бунга асосан “Аллоҳ” деб ёзишга тўғри келарди. Аммо бундай имло, баён қилганмиздек, тилимизга хос хусусиятларга зиддир.

Мулоҳаза, муносабат
НАЗИРАХОН

9

БОЗОРДАГИ АЁЛ

Ҳозир эринмаган ҳар бир одам “бозорга чиқиб кетган” аёлларни танқид қилишга ўрганиб қолган. Лекин ҳеч ким бунинг асл сабабини ахтармайди. Бунда эркалар ҳам айбли эканини тан олмайдилар.

Хабарлар

12

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Франсуз адвокатининг фикри



Париждаги “Ислом ва Фарб” ташкilotи раиси халқаро адвокат Франсис Ламонт мусулмон олимлари, арбоблари ва журналистларини Фарб мамлакатлари фуқароларига Исломнинг асл инсоний моҳиятини тушунтиришда, шунингдек, Исломга ва мусулмонларга бўлаётган туҳматларнинг олдини олишда ғайрат кўрсатишга чақирди.

Масала

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

14

ҲАММА БИЛИШИ ЗАРУР



Жаноза намозидан бошқа барча намозда балоғатга етган киши товушини чиқариб кулса, таҳорати кетади. Ёш боланинг кулгиси таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузмайди.

Олисларга саяҳат

16

ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИ

Қуртубада икки юз саксон уч минг уй, тўққиз юзта ҳаммом, саксон мингта қаср, олти юзта масжид бор эди. Шаҳарда ҳамма ўқиш-ёзишни билган. Шаҳар кутубхонасида бир юз етмиш аёл қадим хатда Мусҳафни кўчиришарди. Саксонта мадраса бўлиб, уларда камбағаллар бепул ўқишган. Элликта шифохона беморларга текин хизмат кўрсатган.

Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар
Холид МУҲАММАД ХОЛИД

18

ЯККА ЎЗИ ЮРАДИ

Абу Зарр салтанат ва бойлик ўчоқларига қарши чиқди. Унинг мустақам қалъаларига муҳолафати билан аёвсиз уруш очди. Ҳатто аҳолиси уни кўрмаган чекка ўлкаларда ҳам номи машҳур бўлди. Ҳар замон ва маконда такрорланадиган мадҳия ва чақириғи ушбу Қуръон калималари бўлди: “Олтин-кумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб “хушхабарини” етказинг! У Кунда



(қиёматда) ўша (олтиш-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилур”.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани
Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли,
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОХ ўғли тайёрлашди.
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Юлдуз КОМИЛ қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 23 апрелда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 26 апрелда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 8500 нусха. 130-
сон буюртма. «КО‘НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаи: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганида исми шарифлар тўлиқ
ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

УМУМИЙ ҚОИДА ЯРАТИБ БЎЛМАЙДИ



Биз фақирнинг ожизона илтимосимиз инобатга олиниб “Ҳидоят” саҳифасида “Тил ва имло” рукнининг очилганидан чексиз мамнун бўлдик. Рукн шиорида тақидланганидек, дарҳақиқат, ўзбек тили жаҳондаги бошқа тиллар қатори ўзига хос талаффуз ва имло қоидаларига эга бўлишга ҳақлидир. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам “Тилга эътибор — элга эътибор”, деб бежиз айтмаганлар. Яъни, тилга ҳурмат элга ҳурматнинг ифодасидир.

Маълумки, ҳар бир тил баъзи ички ва ташқи омиллар таъсирида бойиб ёки қашшоқлашиб боради. Мисол учун диёрларимизда ўрисларнинг ва советларнинг юз эллик йил ҳукмронлик даврида ўзбек тилимизга ўрисча ёки ўрис тили орқали кўп ажнабийча сўзлар кириб қолди. Бу ҳолнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини кўрдик. Ижобий томонини ҳеч ким инкор қилмайди. Айниқса, замонавий-дунёвий фанларнинг ўрганилиши ва ривожланишига туртки бўлди. Зеро, олимларимиз ўрис тили воситасида жаҳон илм-фани амалга оширган оламшумул ихтиролардан фойдаланиш, кенг кўламда ҳаётга татбиқ этиш ва илмий-амалий тажриба орттиришга эга бўлдилар. Бундан кўз юмиш инсофдан эмас. Умуман, илм-фан тараққий этган бирор ажнабий халқ тилини мукамал эгаллаш юртимизнинг иқтисодий тараққиётига сабаб бўлиши мумкин.

Аммо масаланинг салбий томони ҳам бор. Яқин ўтмишимизда содир бўлганидек, ўзбек тилини ўрислаштиришга уринишлар, уни ўрганиш, ўргатиш ва тадқиқ қилишда ўрис тили грамматикасини асос қилиб олиб, унга қиёсан илмий иш олиб боришлар натижасида она тилимиз иккинчи даражали тил ҳолатига тушиб қолди ва оқибатда унга нисбатан менсимаслик кайфиятлари ҳукмронлик қила бошлади. Ҳатто ўрис тили кўпларнинг оила тилларига айланиб кетди. Бу ҳол, сўзсиз, она тилимизга нисбатан ҳурматсизлик нишонаси эди. Тил бойлигимизни талон-тарож этиш эди. Натижада аста-секин барча имконият ўрис тилини оммавий ўргатишга қаратилди. Худди мана шу жараёнда асрлар давомида ўзбек тилининг луғат бойлигига кириб қолиб ўзбекчалашиб кетган араб ва форс сўзла-

ри, айниқса диний истилоҳлар муомаладан сиқиб чиқарилди ва тилимиз руҳониятдан қарийб маҳрум бўлиб қолди. Ҳозир халқимизнинг кўп қисми Алишер Навоий асарлари тилини тушуна олмай қолгани фикримизга ёрқин далилдир. Диний атамалар истеъмолдан

сиқиб чиқарилди. Ваҳоланки, ҳисоб-китобларимизга қараганда, ўзбек тилида уч мингга яқин арабий сўз мавжуд. Бу борада биз филология фанлари доктори марҳум Ботирбек Ҳасанов билан биргаликда “Имло луғати” номли китобни* чоп қилиб унда 2300 арабий калиманинг арабча ва кирил ҳарфидаги имлосини келтирганмиз. Аммо мазкур китоб эски ўзбек ёзувини ўрганувчиларга мўлжаллангани ва, хусусан, диний атамаларни қамраб олмагани боис имловий камчиликлардан холи эмас.

Модомики тилимиздаги диний истилоҳларга оид камчилик ва ҳархилликларга барҳам бериш ва тил одобининг ривожига салмоқли ҳисса қўшиш каби олижаноб ва ўта савобли, муҳим ва ўта хайрли ишни амалга оширишга бел боғланган экан, менинг назаримда, бу ишга тилшунос олимларимиз билан бир қаторда тилимиз поклигига қайғурадиган барча зиёли юртдошларимизни ва қалам аҳллари ҳам жалб этиш, шошмашошарликка йўл қўймаслик керак. Араб тилида бўлган диний истилоҳларни ўзбек тилида кирил (ёки лотин) ҳарфлари билан ифода этиш жуда нозик ва мураккаб вазифалардан биридир. Чунки бу тил талаффуз жиҳатидан ҳам, имло нуқтаи назаридан ҳам тубдан фарқ қилади. Масалан,

ه ح ص ط ع каби ҳарфлар билан ифодаланган товушларни кирил (лотин) ҳарфларида аниқ ифода қилиб бўлмайди. Чунки мазкур товушлар арабларгагина хос ва унга монанд товушлар ва уларни ифода қилувчи ҳарфлар ўзбек тилида мавжуд эмас. Фарб тилшунослари ажнабий тилни ўз она тилларида иложи борица аслига яқин ифодалаш учун транскрипсияни ўйлаб топишди ва ундан кенг фойдаланишади. Аммо, менимча, диний истилоҳларни ва араб тилидан ўзбек тилига кириб қолган сўзларни транскрипсия усулларида фойдаланиб ифодалаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки асрлар бўйи истеъмолда бўлган арабча сўзлар аллақачон ўзбекчалашиб кетган ва уларни кирил ҳарфида ўзбекча талаффузга мослаб ёзиш қулай ва фойдалидир. Араб ва ўзбек тиллари грамматик тузилиш жиҳатидан ҳам, талаффуз жиҳатидан ҳам бир-бирига мутлақо ўхшамагани сабабли арабча сўзларни (диний атамалар ҳам шунга киради) кирил ҳарфларида ифодалаш учун умумий бир қоида ишлаб

*Т. «Ўқитувчи», 1992.

чиқиб бўлмайди. Шунинг учун сўзларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида атрофлича ўрганиб чиқиб, бир ечимга келиш, менинг фикримча, айни муддао бўлур эди. Шундан чиқиб келиб, баъзи арабий ибора ва сўзларнинг талаффузи ва ёзилишига оид фикрларимизни баён қиламиз.

Ҳар яхши ишнинг боши “бисмиллоҳ” бўлгани учун биз ҳам сўзни ундан бошлаймиз. Басмала кўп ўринларда “**Бисмиллаҳир роҳманир роҳим**” шаклида ёзиляпти. Бир қарашда, бу муборак ибора кирил ҳарфларида тўғри ифодалангандек кўринади. Дарҳақиқат, басмаланинг бундай имлоси тажвид фани қоидаларига мутлақо уйғундир. Чунки ибора таркибидаги “Оллоҳ” лафзининг “лом”и тарқик (яъни, “лом”ни ингичка ўқиш) ҳолатида, шунинг учун у “ла” деб талаффуз қилиниши лозим. Шунингдек, “роҳман”, “роҳим” сўзларидаги “ре” ҳарфи тафҳим ҳолатидадир, яъни, уларни “ро” деб йўғон ўқиш лозим. Тажвид фани қоидалари шуни талаб этади. Аммо мазкур иборани жонли араб тили ва ўзбек тилининг ўзига хос талаффузи нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрсак, имлосида баъзи ноаниқлик мавжудлигини кўраимиз.

Биринчидан: басмаладаги “лом” ҳарфига урғу берилиши шарт, яъни, уни чўзиб талаффуз қилиш керак. Бу чўзиқлик ҳарфда қандай ифоланади? Ё “ла”даги “а” ҳарфи иккита ёзилиши, ёки уни “о” ҳарфи билан ифодалаш лозим бўлади. Бу ҳолда тажвид фани қоидаларига раҳна солинади, деган фикрдаги биродарларимизга шуни таъкидлаб ўтишни истардим: тажвид фани қоидалари фақатгина Куръони каримни ўқишга татбиқ этилади. Куръони каримдан сабоқ олаётган шогирдларга ва қори бўлиш ниятидагиларга тажвид фанидан чуқур назарий ва амалий билимлар берилди. Бу фан унсурлари Куръони карим тушиб бўлганидан анча кейин пайдо бўла бошлаб, ҳижрий сананинг иккинчи асридагина фан сифатида шаклланган. Бу ҳақда биринчи бор ҳижрий 225 йили вафот этган машҳур Қори Мусо ибн Убайдуллоҳ Хоқоний асар ёзган. Араб тилини тил сифатида ўрганувчиларга ва у тилда сўзлашувчиларга, умуман, омма халққа тажвид фанини чуқур билиш зарурати йўқ. Чунки араблар Куръони карим нозил бўлмасидан илгари ҳам ва ҳозирги кунда Мисрда яшаётган беш милёндан ортиқ мусулмон бўлмаган араб қибтийлари ҳам ўз ҳаётларида тажвид фанига эҳтиёж сезмайдилар. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтсак, ҳар бир арабча сўзни кирил ҳарфлари билан ифодалашда тажвид қоидаларини асос қилиб олиш унчалик мақбул эмас.

Иккинчидан: ўзбек тилида (шунингдек, форс-тожик тиллари ҳам) урғу тушадиган (чўзиқ) “а” товушини “о”га айлантириб талаффуз қилинади.

Яъни, чўзиқ “а”ни “о” билан ифодалаш бизнинг тилимизга хос хусусиятлардандир.

Бу мулоҳазалардан келиб чиқсак, менинг назаримда, Басмаладаги “Бисмиллаҳ”ни “Бисмиллоҳ” қабилида ёзиш маъқулроқ кўринади.

Шунингдек, «Роҳман» ва «Роҳим» сўзларини “Раҳмон” ва “Раҳим” шаклида ёзиш талаффуз қоидаларига айни мос бўлар эди. Агар биз мазкур сўзлардаги “р” товушини “ро” билан ифодалайдиган бўлсак, رحيم, رحيم сўзлари кирил ҳарфида ёзилганида бир-биридан мутлақо фарқ қилмай қолади.

Қолаверса, агар биз тажвид фани қоидалари асосида араб сўзларини кирил ҳарфида ифода қиладиган бўлсак, кўп чалкашликларга дуч келамиз. Масалан, “қалам” сўзини “қолам”, “китоб” сўзини “китаб” “воҳид” сўзини “вахид”, “зокир” сўзини “закир”, “обод” сўзини “абод” деб ёзишимизга тўғри келарди. Ва ҳоказо.

Яна бир чалкашлик Парвардигоримиз исмининг гоҳ “Аллоҳ”, гоҳ “Оллоҳ” тарзида икки хил ёзилаётганидир. Ҳолбуки, агар тажвид қоида-сига биноан қаралса, иккала шакл ҳам тўғри эмас. Тажвид фани қоида-сини эътиборга олсак, уни “Аллоҳ” деб ёзишга тўғри келарди. Аммо бундай имло, баён қилганмиздек, тилимизга хос хусусиятларга зиддир. Келинг, яхшиси, бу сўзнинг қандай пайдо бўлганига назар қилайлик. У “ал-Илоҳ” сўзидан таркиб топиб, сарф қоида-си татбиқидан сўнг “Аллоҳ”га айланган. Бу сўздаги “ал” аниқлик артиклидир. Дарҳақиқат, у ҳеч қачон “ол” шаклида ўқилмаган. Шунинг учун ҳам “Аллоҳ” шакли имло нуқтаи назаридан мутлақо тўғри. Аммо ўзбекона талаффуз нуқтаи назаридан эса, унчалик ҳам тўғри эмас. Қадим замонлардан бери халқимиз Тангри таолонинг исмини “Оллоҳ” шаклида талаффуз қилиб келган ва шундан келиб чиқиб луғат китоблари тасниф этилган. Шунинг учун менга уни “Оллоҳ” шаклида ёзиш маъқулроқ кўринади.

Араб тилидан ўтиб қолган сўзларни кирил ҳарфларида ифода қилишда луғат китобларида унчамунча ғализ хатою камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Булар жумласига “имон”, “изоҳ”, “ижод”, “Исо” каби сўзларни киритиш мумкин. Мазкур сўзлардан “ “ ҳарфи тушириб қолдирилган. Уларни “иймон”, “ийзоҳ”, “ийжод”, “Ийсо” шаклида ислоҳ қилиш мақсадга мувофиқдир.

Мулоҳазаларимизни ҳозирча шу ерда тўхта-тиб тураимиз. Бошқа сўз ва атамаларнинг ёзилиш тарзларига оид фикрларимизни кейинроқ яна баён қиламиз, иншооллоҳ.

Абдуқаҳҳор ШОШИЙ

ИЛМ, САБР ВА МАТОНАТ БИЛАН

Абдуқаям АЗИМОВ,
*Имом Бухорий номидаги
Тошкент Ислом институти
ректори:*

— XXI аср бутун дунё инсонларининг онги ва тафаккурида ҳақиқий бурилиш даври бўлмоқда. Бу асрда кишилик жамиятига улкан иқтисодий ва техник тараққиёт имкониятлари очилиши билан бирга, турли мафкуравий курашлар, ахборот бўҳронлари, ҳар хил ёвуз кучларнинг ҳаракати ҳам юзага келди. Бугун халқаро терроризм ҳавфини бартараф этиш жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътиборидаги масалалар. Терроризм деган иллат дунё халқлари ҳаётидан бутунлай ўчириб ташланмас экан, инсонлар тинчлигига, давлатларнинг сиёсий барқарорлигига путур етиши муқаррар.

Тажовузкор кучлар бизни демократик маърифий тараққиёт йўлимиздан оғдиришга, бизни сескантиришга уринмоқдалар. Террор сиёсий курашнинг аввалдан мавжуд, аммо бу асрда жуда кенг ёйилган ва кўп қўлланаётган бир жирканч усули бўлиб, дунё халқлари унинг ҳеч бир динга алоқаси йўқлигини очиқ-ойдин билиб олди. Жаҳондаги кўплаб мамлакатларнинг раҳбарлари, йирик оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио фо-

жиали воқеаларга бағишланган чиқишлари ва дастурларида Ислом динининг таълимоти, бошқа барча илоҳий динлар каби, зўравонлик ва босим ўтказишнинг ҳар қандай кўринишларини тақиқлашини, кишилар ва халқлар ўртасида эзгулик, бағрикенглик ва тинчликни тарғиб этишини кўп марта таъкидлаб тушунтиришди. Исломнинг асл моҳиятини ва Аллоҳ туширган Қуръони карим кўрсатмаларини чуқур биладиган олимлар ҳам бирорга илоҳий дин зўравонлик ва зулмни оқламайди деб эътироф этишган. Бутун дунё тинчлик ва меҳрибонлик дини бўлган, одамларга раҳм-шафқатли ва адолатли бўлишга, муҳаббат ва биродарликка буюрадиган Ислом дини тўғрисидаги ҳақиқатни тушуниб етмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, 2001 йил 11 сентябрдаги Нуй Йўрқда содир этилган террорчилик ҳаракати чоғида ўлган одамлар орасида насронийлар, яҳудийлар ва мусулмонлар ҳам бор эди.

Яқинда Тошкент шаҳрида, Бухоро вилоятида, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ҳудудида содир этилган кўпоровчилик ҳаракатлари ҳар биримизни қаттиқ ташвишлантирди. Шуни эътироф этиш керакки, биз огоҳлик деган тушунчани баъзида унутиб қўймоқдамиз.

Аждодларимиз имон-эътиқодининг бутунлиги, иродаси мустақамлиги балою офатлардан асраб келган. Ҳар бир нарсага эътиборли бўлиш, уларнинг асл моҳиятига ета билиш, зийракликни бой бермаслик тинчлигимиз гаровидир.

Абдуллоҳ ҲАМДАМОВ,
*«Ракат» жомеъ масжидининг
имом-хатиби:*

— Бир мусулмон бир биродарига қаерда дуч келмасин, у

билан саломлашар экан, унга соғлик баробарида тинчлик, хотиржамликни ҳам тилайди. Ҳар ибодатимиз ниҳоясида ҳам бу тилак алоҳида қайта-қайта жарағлаши бежиз эмас. Бу нарса шунчаки айтилмайди, балки Аллоҳнинг бандаларига кўрсатган марҳаматидандир.

Бўлиб ўтган мудҳиш воқеалар тинчлигимизни кўролмайдиганларнинг ноҳўя хатти-ҳаракатлари оқибати деб биламан. У бизга чуқур сабоқ бўлиши керак. Теваракка синчковлигимизни, хушёрлигимизни оширишимиз зарур.


Азиз биродарлар, жаҳолат, ёвузлик яна бир бор ўзининг жирканч башарасини кўрсатди, тубан нафси йўлида инсоний муҳтимизни издан чиқармоққа уринди. Ана шу нодонликдан, жаҳолатдан Ўзи асрасин! Барча ёмонликларнинг онаси жоҳилликдир. Лекин ҳар сафар у бошқа ниқобда ҳаракат қилади, буқаламундай ўзгарувчан бир тарзда ўзини сиз-бизга ҳамоҳанг, ҳамфикрдай тутиши, ишончимизга кириб қора режалар тузиши мумкин. Огоҳ бўлайлик, илм билан, сабр-тоқат, матонат билан динимизни қувватлантириб, элимизни жаҳолатдан асрайлик.

Каримуллоҳ ИНОМОВ,

*«Тилла шайх» жомеъ
масжидининг имом-хатиби:*

— Чин мўмин-мусулмон одам бундай қабоҳатга бормайди. Зеро, динимиз таълимотида аниқ айтилган: **“Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ҳар қандай ёмонликни) энг гўзал сўзлар билан даф қилинг. (Шунда) баногоҳ сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ-содиқ дўст каби бўлиб қолур”** (Фуссилат, 34).

Демак, яхшилик билан ёмонлик баробар эмас экан. Ақли-эси



ЭЛНИ ЖАҲОЛАТДАН АСРАЙЛИК

жойида ҳар бир мусулмон буни эшитиб-боқ тушунади. Ва ҳеч қачон яхшилик билан ёмонликни тенг кўрмайди. Ахир у яхшилик учун мукофот, ёмонлик учун жазо кутиб турганини унутмайди. Ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қайтаради. Чунки оятнинг давоми шунга буюради.

Қолаверса, Пайғамбаримиз (с.а.в.) буни қайта-қайта таъкидлаганлар. Бир ҳадиси шарифда Расуллулоҳ (с.а.в.) бундай марҳамат қиладилар:

“Қаерда бўлмагин, Аллоҳдан қўрққин, ёмонлик (хато иш) орқасидан яхшилик қил. Яхшилик ёвузликни қайтаради. Кишилар ўртасида доимо чиройли хулқ, яхши муомалада бўлгин”.

Динимизда яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарувчи далил-ҳужжатлар жуда кўп. Чунки Ислом яхшилик билан тарқалган. Шу боис ҳар қачон кечиримли, сабрли, ахлоқли, беозор бўлишга чақиради.

Аммо Исломни ёмонотлиқ қилиб, кимда-ким мусулмонлар шаънига доғ туширадиган, улар орасида фитна ёки ёмонлик тарқатадиган бўлса, икки дунёда ҳам юзлари қора бўлиши шубҳасиз. Мусулмонлар орасини бузамиз, динга зарар етказамиз деганлар ҳеч қачон жирканч ниятларига ега олмайдилар. Аллоҳ айтади: **“Албатта, иймон келтирган кишилар ўртасида бузуқликлар ёйилишини ис-тайдиган кимсалар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билур, сизлар билмассизлар”** (Нур, 19).

Абдуллоҳ ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси халқаро бўлими мудири:

— Март ойининг охирида бўлиб ўтган воқеалар қора ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён. Ёвузларнинг

мақсади эл юртимиз тинчлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштириш, одамлар юрагига гулгула, ваҳима солиш, хайрли ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бундай воқеалар дунёнинг бир қанча минтақаларида ҳам кузатилмоқда. Кўп сонли Ислом уламолари бундай зўравонликлар асло Исломга хос эмаслиги, шунинг учун муқаддас динимизга соя туширишга бўлган ҳаракатлар асосиз экани тўғрисида куюниб гапирмоқдалар ва ёзмоқдалар.

Афсуски, баъзи чет эл оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда содир бўлган воқеаларга биртомонлама ёндашиб, уларни ноҳолис шарҳлагани ҳам кузатилди.

Бугун жаҳон халқларининг тинчликни сақлаш йўлида ҳамкорлик қилиши, ҳақ динимиз Исломни обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларга қарши мусулмонларнинг бор кучларини бирлаштириши ғоятда долзарб вазифадир.

Аҳмаджон БОБОМУРОД,
Тошкент шаҳар «Жўрабек» жомеъ масжиди имом-хатиби:

— Мудҳиш қўпоровчилик бутун диёримиз халқининг нафратини қўзғаб юборди. Қўзғамасинми? Бу портлашда инсонларнинг ноҳақдан қони тўкилди-ку. Ёвуз қўпоровчилар ўзлари панада қолишган бўлса ҳам, бу қилмишлари билан асл башараларини очишди. Ислом динимиз ҳам, башарият қонунлари ҳам уларнинг бу хатти-ҳаракатларини жиноят ҳисоблайди ва қоралайди. Бу айни ваҳшийликнинг ўзгинаси. Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Нисо сурасининг 93-оятда **“Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак. Ва у Ал-**

лоҳнинг ғазаби ва лаънатига дучор бўлган, Аллоҳ унинг учун улғуз азобни тайёрлаб қўйгандир”, деб марҳамат қилган. Бу ояти карима мазмунидан хабардор киши уларнинг қилмишлари мусулмончиликка асло тўғри келмаслигини аниқ ва равшан билиб олади.

Исломда ноҳақдан одам ўлдириш у ёқда турсин, ҳатто жониворларнинг жонига қасд қилиш ҳам мумкин эмас. Имом Бухорий ва Имом Муслимлар Ибн Умар ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Расуллулоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир хотинни мушукни қамаб қўйиб, овқат бермасдан ўлдиргани учун Аллоҳ таоло уни жаҳаннамга киргизишини айтганлар. Аллоҳ таоло бағри-тошлик қилиб, бир жониворни ўлдирган кимсани жаҳаннамга солса, бир қанча инсонларни ноҳақдан ўлдирган шахсга қандай оғир жазоларни раво кўриши ўз-ўзидан маълумдир.

Энди ўз жонига суиқасд қилиш ҳодисасига келсак, Имом Бухорий ривоятларида Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келтирган бир ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло: **“Бандам ўзини ўзи ўлдириб, унга берган умримга ношукрлик қилиб, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим”**, деган. Бу фақатгина ўз жонига қасд қилганларга бериладиган жазо. У бадбахт террорчи ўз жонига қасд қилиш билан бирга, бир қанча одамларнинг қони тўкилишига ҳам сабаб бўлди. Шунинг учун унинг гуноҳи икки баробар улқандир. Айниқса, бундай ношаръий ишларга хотин-қизларнинг жалб этилиши уларнинг гуноҳларини янада оғирлаштиради. Ҳақиқий айбдорлар ушланса, ундай нокасларга ҳар қанча жазо берилса, арзийди.

Ҳорун ЯҲЁ

ЁВУЗЛИКНИНГ АСОСИ ИСЛОМДАН ТАШҚАРИДА

Қуръони карим келтирган ахлоқ меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, камтарлик, ҳавойи нафсдан воз кечиш, ҳурмат ва тинчликдир. Мусулмонлар шу илоҳий кўрсатмаларга амал қиладилар ва ҳамisha фавқуллода юмшоқ феълли, раҳм-шафқатли, адолатпарвар, софдил бўладилар.

“Ислом” сўзининг маъноси Аллоҳга бўйсуниб (итоат)ни билдириб, ўзаги **“тинчлик”**, **“сулҳ”** маъносидадир. Аллоҳ таоло Ислом динини тушириб, одамларга мислсиз меҳрибонлигини кўрсатди, буйруқларига бўйсунганларга тинчлик, осойишталик, фароғат неъматларини ваъда қилди. Ер юзидан юксак ахлоқ асосларига риоя қилишга, шайтоннинг йўлидан юрмаслик, зулм қилмасликка чақирди:

“Эй мўминлар, тўла ҳолдаги Исломга кириңлар! (Яъни, Исломнинг баъзи ҳукмларига итоат қилиб, баъзиларига итоат қилмайдиган кимсалардан бўлманглар!) Ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир” (Бақара, 208).

Мусулмон киши ҳар бир хатти-ҳаракати учун Парвардигори олдида масъул эканига ишонади. Шунинг учун у адолатпарвар, шафқатли, кимлигидан қатъи назар, барча одамларга эзгулик олиб борадиган, ожиз ва муҳтожларни асраб-авайлайдиган, ҳимоя қиладиган бўлади. Жамиятнинг тинчлигига ва хавфсизлигига раҳна соладиган барча хатти-ҳаракатлар, бошбошдоқлик ҳамда қўпоровчиликлар бузғунчилик (фасод) ишлари саналади. **“Аллоҳ эса, бузғунчилик (фасод)ни севмайди”** (Бақара, 205).

Қуръони карим ҳар қандай шаклдаги зулм ва зўравонлик Ислом ақидасига тубдан қарама-қарши эканидан таълим беради. Бирор мусулмон ана шундай жиноятга қўл урмайди, қўл уриши мумкин ҳам эмас. Бундан ташқари, мусулмонлар

Парвардигорлари олдида бошқа одамларни ҳам жиноят қилишдан қайтаришга масъулдирлар. **“Ер юзидан бузғунчилик қилиш”**ларига йўл қўймаслик ҳар бир имонли кишининг бурчидир.

Ислом ахлоқи руҳида тарбияланган кишининг шафқатсизлик ва ҳақсизларча куч ишлатиш тарафдори бўлишини, Аллоҳга хуш келмайдиган ҳаракатларда қатнашишини ҳатто тасаввур қилиб бўлмайди. Ислом таълимоти террорчилик балосини таг-томири билан тугатиш йўли ҳисобланади. Худди шунинг учун ҳам ҳар қанақа қўпоровчилик, бузғунчилик асосларини Исломдан ташқарида қидириш керак. Қуръони карим шундай гувоҳлик беради:

“(Олдингиздан) кетганида эса, ерда бузғунчилик, экин ва насларни ҳалок қилиш учун югуриб-елиб юради. Аллоҳ эса бузғунчилик-фасодни севмайди. Қачон унга: “Аллоҳдан кўрққин”, дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга тортади-етақлайди. Унга жаҳаннам бас келар. Нақадар ёмон жой-а!” (Бақара, 205—206).



Бу ояти карима маъноси-дан англашиладики, Аллоҳ талонинг амру фармонларига юрмайдиган осий ёки Унинг борлигини инкор этадиган худосиз кимсалар жоҳилликлари ва нодонликлари туфайли ўзларининг жазосиз қолишларига ва қўлларининг узунлигига ишонадилар ва ҳар қанақа ёвузликдан қайтмайдилар. Демак, террорчиликка қарши кураш йўлида зудлик билан

қўйилиши керак бўлган биринчи қадам жамиятда маърифий, маънавий ва диний тарбияни жорий этиш, одамлар онгидаги имон ва динга нисбатан хато тушунча ва тасаввурларни ислоҳ қилиш бўлиши лозим.

Ўрисчадан таржима

Бозор иқтисоди сабаб аёлларимизнинг аксари тижорат билан шуғуллана бошлашди. Буни биров турмуш қийинчиликлари, эркакларнинг ишсиз қолгани билан оқласа, бошқаси асрлар бўйи хонадонларнинг файзи, фарзандлар тарбиячиси, оиланинг чароғбони бўлган аёлнинг кўчага чиқиши зарарларини санаб, қоралайди. Хўш, ким ҳақу ким ноҳақ? Аёлларни бозорларга чиқиб, фитратларига мос бўлмаган иш билан шуғулланишга нима мажбур этяпти? Уларнинг бу аҳволга тушишларига ким айбдор? Шундай саволларга жавоб топиш учун турли соҳа вакили бўлган кишиларнинг фикрларини (21, 32-бетлар) билишга қизиқдик.

БОЗОРДАГИ АЁЛ

Нима қилишга ҳайронман?

«Ҳозир эринмаган ҳар бир одам “бозорга чиқиб кетган” аёлларни танқид қилишга ўрганиб қолган. Лекин ҳеч ким бунинг асл сабабини ахтармайди. Бунда эркаклар ҳам айбли эканини тан олмайдилар.

Мен ҳам ана шундай “чор-бозорчи”ларданман. Авваллари тинчгина уй-рўзгор билан банд эдим. Хўжайинимнинг ишхоналарида қисқартириш бўлиб, у кишини “узоқ муддатли отпус-ка”га чиқаришди. У ёққа чопдилар, бу ёққа югурдилар, бирорта маъқулроқ иш тополмадилар. Тижорат қилгани бўйинлари ёр бермади.”Шунча йил дастгоҳда ишладим, бозорда қандоқ ўтираман”, деб уялдилар. Охири кўчага чиқишга ҳам пуллари қолмай, забардаст эркак уйда ўтириб қолдилар.

Аввалроқ рўзгордаги кўр тугади. Бора-бора нонхурушга шакар ҳам тополмай қолдим. Тўрт боламнинг учтаси мактабга боради: кийими бор, дафтар-қалами бор, мактаб ремонт бор... Бу аҳволда ўтираверсак, охири вой бўлишини сезиб, чора ахтариб қолдим. Кўчамиздаги бир аёл тижорат қилаётганини эшитиб, маслаҳатга бордим. Тақинчоқларимни сотиб дастмоёга айлантирдим у Қорасув бозорига жўнадим. Кейинчалик Кўқонга, Тошкент отчопарига қатнай бошладим.

Аста-секин дастмоём кўпайиб, ишлар юришиб кетди. Худого шукр, қора қозонимиз қайнаб турибди. Ҳатто эримнинг улфатчиликларига ҳам пул берадиган бўлдим. Рўзгорга сал барака кирди...

Аммо тижорат биз ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Ярим тунда уйқуни ҳаром қилиб, қишда — совуқ, ёзда — иссиқ автобусда бозорларга қатнаймиз. Алданиб қолишдан, молни ўғирлатишдан ҳар қадамда кўркув ва ҳадикдамиз. На овқатланишда, на уйқуда, на дам олишда ҳаловат бор. Молни оп-келиб, кун бўйи офтоб тигида, қишда совуқ-изғиринда ўтириш, харидорнинг қош-қовоғига қараш, инжиқликларига, аччиқ-чучук гапларига чидаш осонмас. Бунинг устига ҳали солиқдан, ҳали мелисадан, ҳали бозорнинг назоратчилари, паттачилари келиб тинчлик бериш-

майди. Хуллас, бир-икки минг пул топиш учун минг алфозга тушяпмиз.

Мен бу гапларни ҳасрат қилиб айтаётганим йўқ. Худого шукр, ҳаётимдан нолимайман. Ҳеч бўлмаса, бировнинг қўлига қарамайсан. “Бугун кимдан қарз сўрасам бўларкин?” деб бошинг қотмайди.

Аммо бу ишнинг машаққатини, аёлларга номуносиблигини ўйласам, хўрлигим келади, аламим ошади. “Бор-э”, деб ҳаммасига қўл силтаб, яна ўчоқ бошига қайтгим келади. Лекин хўжайин ҳам, болаларим ҳам мазахўрак бўлиб қолишган, шекилли, асло бунга кўнишмаяпти. Менинг эса, бардошим тобора тугаб боряпти... Нима қилишга ҳайронман?..»

НАЗИРАХОН,
Наманган шахри



Доктор Муҳаммад ибн АБДУРАҲМОН АЛ-ХУМАЙЙИС

ЁШЛАРГА АҚОИД ДАРСЛАРИ

Таҳовий китобининг шарҳи

Иккинчи дарс

5. Аллоҳ бошланиши бўлмаган қадим, охири бўлмаган доимдир.

6. Аллоҳ фанога учраб йўқ бўлмайди.

7. Танҳо Унинг айтгани бўлади.

Қадим “ўзидан бошқа (ҳар нарса)дан олдин бўлган” демакдир.

“Фанога учраб йўқ бўлмайди” дегани “на ҳалок бўлади ва на йўқ бўлади” деганидир.

Шарҳи

“Қадим” Аллоҳ таолонинг исмларидан эмас. Бу сўз Унинг борлигининг боши, бошланиши йўқлигини билдиради. У Доим ва Боқийдир. Аллоҳ таолонинг Ўзи буни шундай ифодалайди:

“Аввал ҳам, охир ҳам... Унинг Ўзидир” (Ҳадид сураси, 3-оятдан).

“Аввал” деб ундан олдин ҳеч нарса бўлмаган борликка айтилади. “Охир” эса, ундан кейин ҳеч бир нарса бўлмайдиган борликдир. Бу ҳолни Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай тушунтирганлар: “Фано топиб, йўқ бўлмайди” дегани Аллоҳ таоло марҳамат қилганидек: “(Ер) юзидаги барча нарса фоний (ўтгувчи)дир. Буюклик ва Карам эгаси Парвардигорингизнинг Юзи — Ўзигина боқий-мангу қолур” (Раҳмон, 26) деганидир.

“Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Юзи — Ўзигина (мангудир)” (Қасос, 88).

Аллоҳ таолонинг яратганлари фано топади (ҳаммаси йўқ бўлади, ўтади). Уларни У йўқ қилади. Аммо Ўзи абадий қолади. У ҳар нарса йўқ бўлганидан кейин ҳам боқийдир.

“Фақат Унинг истагани бўлади”. Аллоҳ таоло хоҳлаганига кучи етгувчидир.

“...Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади” (Бақара, 253).

Аллоҳ таоло бир ишни хоҳласа, бутун яратганлари хоҳламасалар ҳам, уни яратади. Агар Аллоҳ бир ишни хоҳламаса, инсонларнинг ҳаммаси бир бўлиб ҳам, уни бор қилолмайдилар. Мана шу ҳеч бир замон кечикмайдиган қадарга боғлиқ “кавний ирода”дир. Бу борликда пайдо бўладиган яхши ва ёмонлар фақат Унинг хоҳиши билан бўлади. Унинг иродасидан ҳеч кимса устун келолмайди. Аллоҳ нимани истаган бўлса, шу бўлади. Нимани истамаган бўлса, у бўлмайди. Бунинг далиллари ҳақиқатан саноксиз даражада кўпдир.

Ғайб очқичлари Унинг ҳузурдадир-ким, уларни Ёлғиз Ўзигина билур. У қуруқлик ва денгиздаги бор нарсаларни билур. Бирон барг (шоҳидан узилиб) тушмас, магар У билур. Ер тубларидаги ҳар бир дон, бор ҳўлу қуруқ нарса, албатта Очиқ Китобда (яъни, Лавҳул-Маҳфузда) мавжуддир. У кечаси “жонларингизни оладиган” (яъни, уйқу берадиган), кундузи қилган ишингизни Билладиган Зотдир. Сўнгра айтилган ажал (яшаш учун берилган муҳлат) адо қилиниши учун унда (яъни, кундузи) сизларни “тирилтирур”. Кейин Ўзига қайтишингиз бордир. Сўнгра сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур. (Анъом, 59-60)

ҳар нарсани кузатувчи ва кучи етгувчидир; Қоимдир, ҳар нарсани қўрийдир.

Шарҳи

Аллоҳ таолони махлуқларидан ҳеч бири ҳақиқий бир шаклда илми билан қамраб ололмайди. Аллоҳ (азза ва жалла): “Улар эса У Зотни била олмаслар” (Тоҳа, 110), деб марҳамат қилган. Тахминлар, тушунчалар, хаёллар ва тасаввурлар Уни идрок эта олмайди. Зеро, У махлуқларидан ҳеч бирига на зотида, на исмларида, на сифатларида ва на ишларида (феълларида) ўхшайди. Унинг мисли каби (нарса) йўқ.

“**Ер) юзидаги барча нарса фонийдир. Буюклик ва Карам эгаси Парвардигорингизнинг Юзи — Ўзигина боқий мангу қолади**” (Раҳмон, 26–27).

“**Барча нарса ҳалок бўлгувчидир, магар Унинг Юзи — Ўзигина (мангудир)**” (Қасос, 88).

“**Ва ўлмайдиган Тирик Зотга таваккул қилинг...**” (Фурқон, 580).

У доимо тирикдир. Ўлим Унга етмайди. У Қайғумдир. У на ғафлатга тушади ва на Уни уйқу тутади. Акс ҳолда, борлиқнинг бутун ўлчовлари остин-устин бўлади. Аксинча, У тўласича мулкига эга ва ҳар нарса Уни улуғловчидир. Бу билан ҳам, Аллоҳни яратганларига ўхшатадиган мушаббихага бир жавоб берилгандир. Ҳолбуки, бундай деганлар кофир бўлади.

11. Аллоҳ эҳтиёжи бўлмасдан яратади, ёрдам олмасдан, оғирлик ҳис этмасдан ризқ беради. Уни чарчоқ туймайди.

12. Аллоҳ қўрқувсиз ўлдиради, қийналмасдан қайта яратади.

Шарҳи

Аллоҳ таоло махлуқларини уларга эҳтиёжи борлигидан ва ё улардан бир ёрдам талаб этиш тилаги билан яратмаган. Уларни фақат Ўзига ибодат (қуллик) қилсинлар деб яратгандир.

“**Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим**” (Ваз-Зориёт, 56).

Аллоҳ таоло инсонларга, жинларга, қушларга, ваҳший ҳайвонларга, мўминларга, кофирларга, истаганга истаганини бергани ҳолда, мулкидан ҳеч бир нарса камаймайди. Осмонларнинг ва ернинг бошқаруви ва идораси Унинг ядидадир. Махлуқларини қўрқувга тушмасдан ўлдиради:

“**Жинларни ўша (жон)лар ўладиган вақтида Аллоҳнинг Ўзи ўлдиради...**” (Зумар, 42);

“**Унинг ҳукмини текширувчи бўлмас**” (Раъд, 41);

“**У Ўзи қиладиган бирон нарса ҳақида масъул бўлмас, улар (яъни, бандалар) эса (қиладиган ҳар бир иш-амаллари хусусида) масъул бўлурлар**” (Анбиё, 23).

Қиёмат куни ўликларни У тирилтиради:

“**Кофир кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар.** (Эй Муҳаммад, уларга) **айтинг: “Йўқ, Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра, албатта, сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир**” (Тағобун, 7);

“**Парвардигоро, албатта, Сен одамларни ҳеч шак-шубҳасиз (келадиган) бир Кунга тўплагувчисан**” (Ол-и Имрон, 9).

Аллоҳ таоло Қиёмат куни инсонларни ўлганларидан кейин, қайта яратади. Бу иш Унга қийин эмас. Ер юзини ўлгандан кейин осмондан сув ёғдириб, тирилтириб, ўсимликлар билан қоплаттирган Аллоҳ инсонларни ўлганларидан кейин янгидан тирилтиришга ҳам кучи етадиган Зотдир.

«**Биз ўликларни ҳам (ўз жойларидан) мана шундай чиқарурмиз. Шояд эслатма-ибрат олсангизлар**» (Аъроф, 57).

Уларни илк кез яратган (Зот) ўлдирганидан кейин ҳам руҳларини такрор баданларига қайтаришга қодирдир. Бу иш унга жуда ҳам енгилкулайдир.

Хулоса

Аллоҳ таоло азалийдир ва абадийдир. Тирикдир, ўлмайди. Ҳар нарсага кучи етадигандир. Махлуқоти Унинг илмидан, У билдирганидан бошқа ҳеч бир нарсани қамраб олмайди. Уни на уйқу ва на бир мудроқлик тута олади. У қилган ишларидан сўралмайди, аксинча, У ҳисоб-китобга тортади.

Мавзуни янада яхшироқ тушуниш учун саволлар

1. Қадим Аллоҳнинг исмлариданми?
2. “Фақат Унинг истагани бўлади” дегани нима дегани?
3. Аллоҳнинг иродада шериги борми?



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Филиппин муслмонларининг мақсади

Филиппин муслмонлари мамлакат парламенти-нинг нафақат олий палатаси Сенатда, балки қуйи — вакиллар палатасида ҳам тегишли ўринларга эга бўлишга интилоқдалар. Қуйи палатада муслмонлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун Амира Али Лидасан, Ваҳоб Иброҳим Гуиалал ва Исмоил Абдуллоҳ номзодлари кўрсатилган. Мамлакат қонунчилигига кўра, ҳар бир партия вакиллар палатасида кўпи билан уч ўринни эгаллаши мумкин.

Филиппин муслмонлар партияси ижтимоий адолатни мустақамлаш, саноатни жадал ривожлантириш, ер ислоҳотлари ўтказиш, табиий бойликларнинг талон-торож қилинишига қарши махсус дастурларни амалга оширишни кўзда тутди. Шунингдек, турли конфессиялараро суҳбатлар ўтказиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали муслмонлар ва бошқа фуқаролар ўртасида аҳлиноқликни мустақамлашни, тинч музокаралар воситасида Минданодаги қуролли тўқнашувларга барҳам беришни олдига мақсад қилиб қўйган.

Амина Расул, Пароук Ҳассин ва Дидажен Далангален Олий палатада “муслмонлар овози” бўлиш учун Филиппин сенатидан ўрин эгаллашга бел боғлаганлар.

www.islamonline.net

Франсуз адвокатининг фикри

Париждаги “Ислом ва Ғарб” ташкилоти раиси халқаро адвокат Франсис Ламонт муслмон олимлари, арбоблари ва журналистларини Ғарб мамлакатлари фуқароларига Исломнинг асл инсоний моҳиятини тушунтиришда, шунингдек, Исломга ва муслмонларга бўлаётган туҳматларнинг олдини олишда ғайрат кўрсатишга чақирди. Исломнинг тинчлик ва сабрни улуғловчи дин эканини айтар экан, у ҳақдаги нотўғри тасаввурларга барҳам бериш керак, деб таъкидлайди франсуз адвокати.



Франсис Ламонт айтишича, Ислом ҳақида ёзилган беҳисоб

мақолалар муаллифларининг бу дин тўғрисидаги билимлари жуда юзакидир. Шу боис муслмон олимлар ва журналистлар бундай вазиятда муслмонларни бўҳтондан ҳимоя қилиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашлари зарур.

ИНА

Қозонда анжуман

Татаристон пойтахти Қозон шаҳрида “Собиқ иттифоқ ҳудудида Ислом: Марказий Осиё ва Русиянинг Оврупа қисмидаги ҳолатнинг қиёсий таҳлили” мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Марказий Осиёни тадқиқ этиш франсуз институти ижтимоий ва гуманитар фанлар Франция-Русия маркази, Қозон федерализм институти анжуман ташкилотчилари бўлишди. Анжуманнинг асосий мақсади собиқ СССР барбод бўлганидан сўнг ўтган ўн беш йил мобайнида диний муаммоларнинг сиёсат билан алоқадорлигини аниқлашдан иборат эди. Анжуманда Татаристон, Паволже, Бошқирдистон ва Ўзбекистондан йигирма нафар олим, шунингдек, хорижлик шарқшунослар иштирок этишди.

Франсуз тадқиқотчиси Жан Радвания “Берилмаган саволга ноаниқ жавоблар: Русияда муслмонлар ва 2002 йилги аҳоли рўйхати” мавзуида қилган нутқ анжуманда қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Шунингдек, назарийчи Рафаэл Ҳакимов билан Татаристон Республикаси муфтийининг биринчи ўринбосари Валиюллоҳ Ёқубов ўртасида бўлган Исломда ижтиҳод ва анъанавийлик мавзуидаги мунозара ҳам анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Islam.ru

Профессорнинг чақирғи

Калифорниядаги “Насронийлар ва муслмонлар — тинчлик учун” ташкилоти президенти профессор Билл Бейкер Ислом мамлакатларини ахлоқий таназзул ва маънавий қашшоқликдан хароб бўлаётган Ғарбга ёрдам беришга чақирди. «Маънавий-ахлоқий иқлими бузуқ экан, ҳарбий ва молиявий қувватидан қатъи назар, ҳар қандай мамлакат ҳалокатга юз тутиши аниқ», деди профессор.

Амриқо ва бошқа ғарб давлатлари янги асрни Ислом “озодлик ва демократияга энг таҳликали хавф-хатар” дея эълон этиш билан бошлади. Сиёсатчилар араб мамлакатларини ишончасиз иттифоқчилар, шу боис улардан доимо кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим, деб билишади. Оммавий ах-

борот воситалари эса, Фарб давлатларида яшовчи милёнлаб чинакам мусулмонлар ҳақида тўқима ва бўхтон тасаввурларни кенг ёйишда давом этишмоқда. «Бизнинг вазифамиз шуки, Ислому мусулмонларга шубҳа-гумонларни бартараф этиб, одамлар ва халқларга умуминсоний асосларни топишда ёрдам беришдан иборатдир», деди профессор Билл Бейкер.

Gulf Daily News

Мусулмон ёшлар сайти



Россия ёшлар камолоти жамғармаси “Молодежный альянс” интернет тармоғида сайтини очди. Сайт ижодкорлари мижозларни Куръони карим ва Суннатни яхши ўрганишга, шунингдек, ёшлар тарбияси, саломатлиги ва уларнинг исломий билимларни эгаллашлари йўлида ғамхўрлик қилишга чақиради.

Сайтда тиббиёт ва фан бўлимлари очилган. Аёллар ва болалар учун махсус саҳифалар очиш, уламоларнинг фатволарини жойлаштириш режаланмоқда. Шунингдек, сайт орқали Масков шаҳридаги масжидлар ҳақида мусулмонларнинг сайловларда иштирок этишлари юзасидан фуқаролар билан тезкор сўровлар ҳам ўтказиляпти.

Islam.ru

Аёллар анжумани

Швейцарияда ўтган мусулмон аёллар анжуманига беш юз нафардан ортиқ хотин-қизлар тўпланишди. Анжуманда турли халқ вакиллари бўлган аёллар оила, меҳр-оқибат каби қатор мавзуларда мавъизалар тинглашди. Улар орасида Ислому динини яқинда қабул қилганлари кўп эди. Ёш болали хотинларга алоҳида зал ажратиб берилди.

Austin muslims

Шаҳзоданинг айтганлари

Аркому шаҳзодаси (Ҳиндистон, Тамилнад штати) Муҳаммаду Абдуллоҳ Али мусулмонлар жамоасини ижтимоий масалалар ва таълимни ривожлантиришда ҳукуматга суяниб қолмай, шахсий имкониятлардан тўла фойдаланишга чақирди. Исломуий таълим жамғармаси юбилейида сўзга чиққан шаҳзода Муҳаммаду Абдуллоҳ Али: «Мусулмонлар ҳозирги ҳолат билан қоникмасликлари зарур, бугунги кунда улар Ҳиндистоннинг энг қолақ маи-

ший гуруҳлари қаторига киради, — дея таъкидлади. — Ҳолбуки, улар сон жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда туришади».

Шаҳзода таъкидлашича, мусулмонлар буткул ҳукуматга суяниб қолиб, баъзан ўзларининг бурч ва мажбуриятларини унутиб қўймоқдалар.

Аркому ҳукумдорлари оиласи шажарада адолатли халифа Ҳазрати Умарга (р.а.) боғланади. Улар ҳинд давлатчилигида кўзга кўринарли ўринлардан бирини банд этган. Муҳаммаду Абдуллоҳ Али подшоҳлар оиласининг ягона вакили ва тан олинган шаҳзода сифатида вазирлар маҳкамасининг аъзоси лавозимини эгаллаб келади.

NT Bureau

Африқода никоҳ масалалари

Жанубий Африқо Республикаси конститутсиявий суди давлатнинг Ислому шариати асосидаги никоҳни тан олиши тўғрисида қарор қабул қилди. Бунда оила қураётган эр ва хотин давлат муассаларида расман қайд этиладиган никоҳдаги каби барча ҳуқуқларга эга бўлишади.

INA

Камерун уламолари ва наркомафия

Камеруннинг Соҳилбўйи вилояти уламолари наркомафия бошлиқларига бир ойлик муҳлат ичида ошқора тавба қилиб, жиноий тижоратни тўхтатишларини талаб қилишди. Акс ҳолда, шафқатсиз жазо олишларини айтишди.

Наркомафия бошлиқлари рўйхатида ўн кишининг номи қайд этилган. Улар орасида гиёҳванд моддалар сотувига қўмаклашувчи нафақадаги политсиячилар ҳам бор.

Камерун уламолари раҳбари Муҳаммаду Шайх айтишича, кўшни Кения қонунчилигида гиёҳванд моддаларни сотувчиларга қаттиқ чоралар белги-ланмаган. “Ҳукумат ва бош прокуратура бизга панд бермоқда. Ҳатто биз жиноятчиларни тутиб политсияга топширсак ҳам, суд ўтганидан кейин улар албатта озодликка чиқариб юборилади”, деди у.

Наркомафия бошлиқлари орасида хорижлик франсузлар ва италийнлар ҳам бор. Уламолар уларнинг ҳам бир ой муҳлат ичида мамлакатни тарк этишларини талаб қилишди.

Al-Africa.com.

ҲАММА БИЛИШИ ЗАРУР

Қандай нарсалар ва ҳолатлар таҳоратни синдиради?

Кишининг олд ва орқа йўлларида келган барча нарсалар таҳоратни кетказди. Бунда у нарсалар ташқарига чиққан бўлиши шарт эмас, кўринса, ҳисоб. Бадандан қон ва йиринг чиқиб, жойидан сал оқса, таҳорат синган бўлади. Қон ва йиринг чиққан жойида туриб қолса, яъни, оқмаса, таҳорат синмайди. Бурундан келган қон сиртга чиқмаса ҳам, ичида кўринишининг ўзи таҳоратни синдиради.

Оғизни тўлдириб қусилган қусуқ ҳам таҳоратни бузади. Қусуқнинг гапиришга монёв миқдори тўлиб қусиш ҳисобланади. Шунингдек, агар киши бир ерда ва бир сабабдан оз-оздан қусса ва уларни тўплаганда оғиз тўладиган даражада бўлса, таҳорат бузилади. Аммо бир неча жойда ва турли сабаб билан оз-оздан қусса, таҳорат бузилмайди.

Агар қусуққа қон аралашган бўлса, унинг озгинаси ҳам таҳоратни синдиради. Оғиздан қусуқсиз келган қон оғизнинг сувини қизартирса, таҳорат кетади, сарғайтирса, таҳорат синмайди.

Чивин ёки бургалар бадандан қанча тўйиб қон сўрса ҳам, таҳорат синмайди. Лекин катта кана тўйиб сўрса, қайта таҳорат олиш керак бўлади.

Кулоқдан оғримасдан келган сариқ сув таҳоратга зарар етказмайди. Аммо оғриб келса, у ҳолда таҳорат бузилади.

Таҳоратни синдирадиган ҳар бир нарса нажас (ҳаром)

Куёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўкис адо қилинг ва тонгги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўкис адо қилинг)! Зеро, тонгги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир. Кечанинг (бир қисмида) уйғониб ўзингиз учун нафл (ибодат) бўлган намозни ўқинг! Шоядки, Парвардигорингиз Сизни (Қиёмат Кунда) мақтовли (яъни, гуноҳкор умматларингизни шафоат қилиб, оқлайдиган) мақомда тирилтирур.

(Ал-Исро, 78–79)

ҳисобланади. Шунинг учун у теккан жойни ювиш лозим бўлади. Таҳоратни бузмайдиган нарса эса, тозадир. Балғам таҳоратни бузмайди.

Бурунга ва кулоққа куйилган мой қайтиб чиқса, таҳорат синмайди. Ичилган сув қайтиб чиқса, таҳорат кетади. Ҳушидан кетиш ва тутқаноқ ҳам таҳоратни кетказди.

Кулги таҳоратга қандай таъсир қилади?

Жаноза намозидан бошқа барча намозда балоғатга етган киши товушини чиқариб кулса, таҳорати кетади. Ёш боланинг кулгиси таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузмайди.

Кулги уч хил бўлади:

1. Овоз чиқариб кулиш. Таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузади. Ҳатто уламолар, кимки намоздан ташқарида қаҳқаҳ уриб кулса, қайта таҳорат олиши мустаҳаб, деганлар.

2. Киши кулгисини ўзи эшитиб, ёнидаги эшитмаса, намози бузилади, аммо таҳорати кетмайди.

3. Табассум таҳоратни ҳам, намозни ҳам бузмайди.

Эр хотинини, хотин эрини ушласа, ҳеч қандай нам келмаса, таҳорат бузилмайди. Аммо нам келса, таҳоратни янгилаш керак.

Кўздан оғриқ туфайли келган ёш таҳоратни бузади, лекин оғримасдан ёки бирон сабаб билан, масалан, шамол ё тутун сабабли келган ёш таҳоратга зарар қилмайди.

Суяниб ва ётиб ухлаш ҳам таҳоратни кетказди. Аммо ҳеч қаерга суянилмасдан, ўтирган ҳолда кўз кетиб қолса, агар қуламаса, таҳорат бузилмайди.

Қандай нарсалар ва ҳолатлар намозни бузади?

Намозга ният қилиб, тақбири таҳрима айтиб, намозга киргач, намоз амалларидан бошқа амалларни қилиш мумкин бўлмайди. Қуйида саналган ишлар, ҳолатлар намозни бузади:

1. Қасддан ё адашиб бўлсада, гапириш.
2. Кишиларга салом бериш.
3. Саломга алик олиш.
4. Узрсиз томоқни қириш.

НАМОЗДА ҲИКМАТ КЎП



5. «Аҳ», «оҳ», «уф», деб овоз чиқариш.

6. Оғриқ ё мусибатга овоз чиқариб йиғлаш.

7. Ўзи эшитадиган даражада кулиш.

8. Аксирганга жавоб бериш (“Ярҳамукаллоҳ” дейиш).

9. Саволга ва хабарга, оятлар билан бўлса-да, жавоб бериш.

10. Бирор нарсани еб-ичиш.

11. Намозни жамоат билан ўқиганида ёнида турган одамга жой бериш учун сурилиш (Бу ерда ният эътибор қилинади. Яъни, орқадан суқилиб кираётган киши яхшироқ жойлашсин, деб силжиган одамнинг намози бузилади. Аммо орадаги бўш жойга суқилиб кирган киши сабабли ноқулай турганидан ўнгланиб олиш ниятида силжиб, тўғриланса, намози бузилмайди).

12. Қироатни Қуръони каримга қараб қилиш.

13. Амали касир (кўрган одам “намоз ўқимаяпти” деган уйга борадиган даражадаги бирор иш) қилиш.

14. Нажас устига сажда қилиш.

15. Кўкракни қибладан буриш.

16. Тўхтамай бир саф миқдоридан кўп юриш (Масалан, намозга энди киришганида олдинги сафларда жой очилиб қолса, ўзидан олдинги сафда бир тўхтаб, кейингида ўтса, намози бузилмайди, ўртада тўхтамай ўтиб кетса, намози бузилади).

17. Сажда ҳолида оёқ панжаларини ердан кўтариш.

18. Қироатни маъно ўзгарадиган даражада бузиш.

19. Намоз фарзларидан бирортасини узрсиз адо қилмай, қолдириш.

20. Намознинг тўла бир рукни давомида аврат очик бўлиши.

21. Намоз ичида таҳоратнинг бузилиши.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН
тайёрлади

Намоз ҳақида ҳар қанча гапирса оз, у бизга Аллоҳ фарз қилган буюк ибодатлардандир. Биз бугун намознинг фазилатлари, ҳаётимиздаги тутган ўрни ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз:

— Муслим ва Бухорийдан келтирилган ривоятда Пайгамбаримиз (с.а.в.) намозни “Худди эшигингиз олдидан оқиб ўтувчи анҳор кабидир”, деганлар. Яъни, намоз катта гуноҳлардан сақланилса, бандлик билан қилинган баъзи бир гуноҳларни ювиб туради (каффорат бўлади);

— Қуръони каримда “**Дарҳақиқат, намоз бузуқлик ва ёмон ишлардан қайтаради**” (*Анкабут, 45*), деб хабар берилган. Шартларига мувофиқ адо этилган намоз инсонни турли ёмон ишлардан тўсади. Сигарет, ароқ ва ҳар хил ёмонликлар гирдобига тушиб қолганлар намоз ўқисалар, бу иллатлардан қутуладилар;

— **намозхон** ўзини руҳан енгил ҳис қилади, чунки у Аллоҳдан ўзгага сизинмайди;

— **намозхон** кишининг иродаси мустаҳкам бўла-

ди. Зеро, намоз уни собитқадам қилади;

— **намоз** инсонни одобга, самимийликка, виқорли бўлишга, ҳаётнинг асл моҳиятини англашга, вақтни тежашга ўргатади;

— **намоз** жамоат билан ўқилганида инсон ўзининг баъзи бир хато-камчиликларини билади, ўзини ўнглайди. Жамоат намози инсонларни бир-бирларига руҳан ва жисман мададкор бўлишга ундайди;

— **намоз** жамиятга катта фойдалар келтирувчи, уни ислоҳ қилувчи амалдир. Жамият аъзолари намозхон бўлишса, ёлғончилик, ўғрилик, порахўрлик, иккиюзламачилик, зинокорлик, ароқхўрлик, нашавандлик ва бошқа жирканч иллатлар барҳам топади;

— **намозхон** одам барчанинг хурматини, ишончини қозонади;

— **намоз** инсонни поклайди, чунки уни адо этиш инсон қалбининг пок бўлишини, бутун ҳаётини тоза ва ҳалол яшашни тақозо этади.

Зиёуддин РАҲИМОВ
тайёрлади

ИСПАНИЯ ҚИРОЛЛИГИ

Испания Оврупанинг жануби-ғарбида жойлашган мамлакатдир. Ўн етита мухтор вилоятдан иборат. Куруқликда Франса, Португалия, Андўрра билан чегарадош. Қонун чиқарувчи органи — кортес (икки палатали парламент). Мамлакат аҳолисининг тўртдан уч қисмини испанлар, қолганини каталонлар, галисийлар, басклар ташкил этади.

Испания саноати ва қишлоқ хўжалиги анча тараққий этган мамлакат, фойдали қазилмалари кўп. Қора ва рангли металлургия, автомобилсозлик, дастгоҳсозлик, нефтни қайта ишлаш, электротехника, тўқимачилик соҳалари жадал ривожланган. Қишлоқ хўжалигида донли экинлар, сабзавот, пахта, зайтун, ситрус ўсимликлари катта ўрин тутди. Испания сайёҳларга хизмат кўрсатиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатга ҳар йили 43 милён сайёҳ келади.

Қадимда бу мамлакат худудида ерда иберлар яшаган, миллоддан аввалги V—III асрларда эса келтлар келиб жойлашган. Учтинчи аср охирига келиб, ўлканинг каттагина қисми Карфаген ҳукмронлиги остида бўлган, миллоддан аввалги биринчи аср охирида Рум давлати томонидан забт этилган.

711-718 йиллари Испания жанубининг катта қисми мусулмон араблар томонидан фатҳ этилиб, бу ерда Андалусия мамлакати ташкил топди. Тарихий маълумотларга кўра, Андалусия ўша пайтларда жуда қолоқ бўлган Оврупа учун Ислом ҳазорасини ва юксак илм-фанни ўрганишда кўприк вазифасини ўтаган. Буни ҳозиргача Ғарб олимларининг ўзлари тан олиб, ёзишмоқда.

Оврупалик олимлар фалсафа ва тиб, риёзиёт ва кимё, жуг-

Майдони: 504,8 минг кв. км.

Аҳолиси: 39 милён 270 минг киши (1996).

Пойтахти: Мадрид шаҳри.

Давлат бошлиғи: қирол.

Тузуми: конституциявий монархия.

Пул бирлиги: испан пасетаси (евро).

Йирик шаҳарлари: Барселона, Севилля, Валенсия, Сарагоса, Малага, Билбао.



рофия ва фалакшунослик соҳасидаги илмлар билан илк бор Андалусиянинг йирик шаҳарлари Ишбилия (Севилля), Куртуба (Кордова), Ғарнота (Гранада)даги масжид-мадрасаларда танишишди. Мардлик, ботирлик тимсоллари, мажоз, гўзал бадиий образлар Ғарб адабиётига асосан Андалусдаги араб адабиёти орқали кириб келди. Мамлакат жомеа (дорилфунун)ларида Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Ар-Розий, Ҳасан ибн Ҳайсам каби мусулмон алломаларнинг асарлари узоқ вақт ўқитиб келинди.

Андалусия тарихда илм-фан, маданият энг гуллаб-яшнаган, Ислом Уйғониши рўй берган ўлка сифатида машҳур бўлди. Оврупанинг турли мамлакатларидан бу ерга таҳсил олиш, ноёб илм хазиналари билан танишиш, Ислом маданиятини ўрганиш учун одамлар оқиб келишар эди. Ғарбликлар ҳатто кийинишда ҳам

Андалусия мударрисларидан нусха кўчиришган. Ҳозир Оврупа университетларида илмий либос деб танилган кийимларнинг асли андалусийдир.

Манбаларда ёзилишича, Андалусиянинг ўша пайтдаги амири Ҳакам машҳур Абул Фараж ал-Исфаҳонийнинг “ал-Ағоний” китоби тўғрисида эшитиб қолади ва бир

нусха олиш учун муаллифга минг тилла динор юборади. Муаллиф китобидан нусха кўчиртириб, амирга юборади ва шу тариқа бу китоб муаллифнинг ватани Ироқдан олдин узоқ Андалусияда ўқилди. Яна тарихчиларнинг ёзишларича, Андалусиядаги “ал-Ҳикам” кутубхонасида тўрт юз минг жилд китоб бўлган, унда мавжуд шеърый девонлар мундарижасининг ўзи қирқ тўрт жузга етган.

Шом (Сурия)лик таниқли аллома Мустафо Ҳусний ас-Сибавийнинг ёзишича, умавийлардан Абдураҳмон Учтинчи замонида Куртуба шаҳри мусулмон Андалусиянинг пойтахти бўлган. Бу ерда тунлари кўчалар чироқлар билан ёритилган. Шаҳар кўчаларига тош ётқизилган, ахлатлар бетўхтов тозалаб турилган. Ўшанда бир милён киши яшаётган шаҳарнинг атрофи боғ-бўстон эди. Ваҳоланки, ўша замон Оврупасининг энг катта шаҳарларида ҳам ўртача йигирма беш минг одам яшарди, холос.

Куртубада икки юз саксон уч минг уй, тўққиз юзта ҳаммом, саксон мингта қаср, олти юзта масжид бор эди. Шаҳарда ҳамма ўқиш-ёзишни билган. Шаҳар кутубхонасида бир юз етмиш аёл қадим хатда Мусҳафни кўчиришарди. Саксонта мадраса бўлиб, уларда камбағаллар бепул ўқишган. Элликта шифохона беморларга текин хизмат кўрсатган.

Қуртубадаги марказий масжид ҳанузгача исломий меъморликнинг ноёб намунаси сифатида тилга олинади. Масжиднинг бир минг тўқсон учта рангли мармар устунни бўлиб, мезананинг баландлиги қирқ газ эди. У кечалари тўрт минг етти юзта чироқ билан ёритилган, уларга ҳар йили йигирма тўрт минг қадок мой куйилган. Масжиднинг бронза ва олтин билан зийнатланган ўттиз тўққизта дарвозаси бўлган.

Андалусия пойтахтида исломий меъморлик ва санъатнинг яна бир шоҳ асари — аз-Заҳро саройи барпо қилинган эди. Турк тарихчиси Зиё Пошшо уни шундай таърифлайди: “У замонасининг шундай ажойиботи эдики, Аллоҳ борлиқни яратганидан буён бундай қаср қуриш ҳеч бир меъморнинг ҳаёлига келмаган...”

Қаср қуббаси турли нақшлар билан безатилган тўрт минг уч юз ўн олтига мармар устун устига ўрнатилган эди. Кичик заллардаги мусавфо булоқлардан чиққан сув кўринмас ариқлар орқали энг катта залдаги оқ мармар ҳовузга келиб куйиларди. Ҳовузга эса минг турли балиқлар сузиб юрарди. Бинонинг тўрт томонида саккизтадан эшик бўлган, улар абнус дарахтидан ясалиб, олтин билан зийнатланган. Аз-Заҳро қасри тўрт йилда қуриб битказилган. Ҳар куни олти минг дона ҳарсангтошга ишлов берилган. Қурилишда ўн мингдан зиёд ишчи, минг нафар моҳир ҳунарманд, шу

жумладан, уч юз бинокор, икки юз дурадгор ва бошқа касб эгалари ишлашган. Бир минг тўрт юз улов қурилишда меҳнат қилди. Андалусиянинг яна бир шаҳри Ғарнота (Гранада)даги ал-Ҳамро қасри ҳам ақлларни лол қолдирадиган даражада гўзал ва маҳобатли эди.

Андалусия шаҳарларида мусулмонлар ниҳоятда тўқин ва фаровон яшашган. Ишбиллийанинг ўзида ипак ишлаб чиқарадиган олти минг дона дастгоҳ бўлган. Зайтунзорлар билан ўралган ичун шаҳарда юз минг жувозхона мунтазам ишлаб турган. Бошқа шаҳарларда ҳам саноатнинг маълум турлари ривожланиб, оврупаликлар бу ердан курул-яроғ, пўлатдан ясалган асбоб-ускуналар харид қилишган.

Аммо кейинчалик салиб урушлари натижасида ана шундай гуллаб-яшнаган, улкан Ислом ҳазорасига асос солган Андалусия мамлақати босиб олинди, мусулмонлар қирғин қилинди. Кутубхоналарга ўт кўйилди, сарой ва қасрлар ваҳшийларча вайрон этилди, масжидлар черковларга айлантирилди ёки бузиб ташланди. XVI асрга келиб, Испания иқтисоди ва маданияти таназзулга юз тута бошлади, бундай кейинги феодал ва буржуа урушлари, тахт талашилар мамлакатнинг тинка-мадорини қуриб юборди.

XX асрда ҳам Испания кўплаб урушларга тортилди, фашизм балосини бошдан кечирди. 1975 йили Франконинг ўлимидан сўнг Хуан Карлос қирол деб эълон қилинди, уч йил ўтгач, янги Конституция қабул қилинди, 1982 йили мамлакат НАТОга аъзо бўлди.

Ўтган асрнинг охирларида Испания яна аста-секин Ислом сари юз тута бошлади. Ўрта асрлар Андалусиясининг юксак маданияти, ахлоқи, мафкураси яна испанияликларни қизиқтира бошлади. Мамлакатда аҳолини Ислом тарихи, дин асослари билан таништирувчи махсус курслар ва доимий семинарлар фаолият кўрсата бошлади. Бугун бун-



дай курс раҳбарлари кўргазмали курул қидириб узоққа бормаиди, чунки Гранада, Севилля, Толедо шаҳарларида мусулмон меъморлар тиклаган муҳташам қасрлар ҳанузгача сақланиб қолган. Кутубхоналарда бир замонлар Андалусияда гуллаб-яшнаган Ислом ҳазораси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар ҳам бор.

Ҳозир Испанияда ярим милёндан ортиқ мусулмон истиқомат қилади. Уларнинг саксон беш фоизини мароқашликлар ташкил этса-да, испанларнинг ўзидан ҳам Исломни қабул қилётганлар оз эмас. Шунинг учун Гранада, Севилля каби йирик шаҳарлардаги жомеъ масжидлари қошида испан тилида сўзлашувчи аҳоли учун махсус ўқувлар, анжуманлар ташкил этиляпти.

Бугунги кунда жаҳонда ўн икки милёндан ортиқ испан тилида сўзлашувчи мусулмон бор, улар Испаниядан ташқари Жанубий Амриқонинг турли мамлакатларида яшашади. Ўтган йили Севилляда мусулмон испанларнинг биринчи бутунжаҳон конгресси ўтказилди. Бир вақтлар кучли хунрезлик ва қатли омга тортилган, таъқиб ва хўрлашларга гирифтор этилган Испания мусулмонлари бугунги кунда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаптилар. Уларнинг сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади

(Мавзуга оид суратлар муқованинг 3-бетиди.)



Холид МУҲАММАД ХОЛИД



ЯККА ЎЗИ ЮРАДИ

У Маккага бошқача кўринишда, гўёки муаз-зам Каъбадаги бутларини тавоф этишга шайланган зиёратчи каби кириб келди. Йўлидан адашиб қолган мусофирга ҳам ўхшар эди у. Агар Макка аҳли унинг Муҳаммадни (алайҳиссалом) излаб, ул зот сўзларини тинглаш учун келганини билса, ўлдириши аниқ эди.

Аммо у ўлдиришларидан чўчимасди. Аммо узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтиб, кўриш истагида бўлган кишиси билан кўришганидан кейин... Ростгўйлигига қаноатланиб, даъватига иқдор ҳолда имон келтирганидан сўнг...

Бир куни тонгда у излаётган маконига борди. Расулulloҳни (с.а.в.) танҳо ўтирган ҳолларида топди. У зотга яқинлашиб: “Хайрли тонг, эй араб биродари”, деди.

Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам: “Сенга салом бўлсин, биродар”, дея жавоб қилдилар.

Абу Зарр: “Айтаётганларингдан менга ҳам қўшиқ қилиб бер”, деб сўради.

Расулulloҳ (с.а.в.): “У қўшиқ қилиб берадиган шеър эмас, балки Куръони каримдир”, дедилар.

Абу Зарр: “Менга ўқиб бер”, деди. Расулulloҳ (с.а.в.) қироат қилдилар. Абу Зарр қулоқ тутди. Озгина вақт ўтмай, у хитоб қилди: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик бераман. Муҳаммад Унинг бандаси ва элчиси эканига шоҳидлик бераман”.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Кимдансан, эй араб биродари?” деб сўрадилар.

Абу Зарр: “Фифордан”, деб жавоб берди.

Расулulloҳнинг (с.а.в.) лабларида ним табасум порлади. Юзларини ҳайрат ва таажжуб эгаллади. Абу Зарр ҳам кулди...

Фифор қароқчилик билан донғи чиққан қабила эди. Фифорликлар зулм ва тажовузда зарбулмасал бўлиб кетишган, тун ва зулматнинг ошноси эдилар. Тунда бу қабиладан бирор кишининг қўлига

тушиб қолган одамнинг ҳолига вой эди. Ҳали Ислон ёш ва яширин дин бўлиб турган кунларда гифорийлардан бири мусулмон бўлиш учун келдимиз?

Абу Заррнинг ўзи бу ҳолни шундай ривоят қилади: «...Пайғамбар (с.а.в.) нигоҳларини юқори кўтардилар ва менинг гифорли эканимдан таажжубларини яшириб: “Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисини ҳидоят қилади”, дедилар».

Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисини ҳидоят қилди. Дарҳақиқат, Абу Зарр (р.а.) Аллоҳ ҳидоятни раво кўрган, яхшиликни ирода этган кишилардан бўлди. Ҳақиқатни таниган бу киши бешинчи ёки олтинчи бўлиб Ислонни қабул қилди.

* * *

Абу Зарр қабиласи ва қавмига қайтди. Ёлғиз Аллоҳнинг ибодатига чақирадиган, гўзал хулқларга йўллайдиган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақида уларга сўзлаб берди. Қавмидагилар ҳам Ислонга кира бошлашди. Фифор қабиласи билан кифояланмай, у Аслам қабиласига ҳам ўтди ва у ерда ҳам Ислон чироғини ёқди. Тажовуз устамонлари ва шайтон шериклари энди яхшиликда моҳир ва ҳақиқатнинг дўстларига айланишаётган эди.

Аллоҳ хоҳлаган кишисини ҳидоят қилиши ҳақиқат эмасми?!

Расулulloҳ (с.а.в.) уларнинг юзларига севинч, меҳрибонлик ва хайрхоҳликка йўғрилган нигоҳ билан боқдилар.

Фифор қабиласига қарадилар ва: “Фифорни Аллоҳ мағфират қилди”, дедилар.

Сўнг Аслам қабиласига қарадилар ва: “Аллоҳ Аслам билан ярашди”, дедилар.

Абу Зарр эса... Бу ажиб даъватчини, кучли ва азиз зотни Расулulloҳ (с.а.в.) олқиш билан хосламасинларми?!

Асрлар ва авлодлар ўтаверади, одамлар Расулulloҳнинг (с.а.в.) Абу Зарр тўғрисидаги ушбу

фикрларини кўп такрорлайдилар: “Абу Заррдан кўра сиддикроқ кишини Ер устида кўтармаган, осмон соя ташламаган”.

Расулulloҳ (с.а.в.) бу саҳобийнинг келажакини шундай ўқидилар.

Мардона ростлик. Абу Зарр ҳаётининг жавҳари шу эди.

Ботини ростлик, зоҳири ростлик...

Ақидаси ростлик, тили ростлик...

Энди ҳаёти фақат ростликда ўтади. Ўзини ҳам, бошқани ҳам алдамайди, бировларнинг алдашига ҳам йўл қўймайди.

Унинг ростлиги ҳеч қачон соқов бир фазилат бўлмайди. Бу Абу Зарр наздида ростлик эмас. Ростлик ҳақиқат ва ошкоралиқдир. Ҳақни рўй-рост айтиш, ботил билан тортишишдир. Тўғрини қўллаш, хатони рад этишдир...

Расулulloҳ (с.а.в.) ўткир басиратлари билан Абу Заррга ростгўйлиги туфайли келадиган машаққатларни кўриб турар, шу боис унга доимо сабру бардошли бўлишни буюрар эдилар.

Бир куни Расулulloҳ (с.а.в.) ундан: “Эй Абу Зарр, ўлжани ўзлаштириб, ўзиники қилиб оладиган амирларни кўриш насиб этса, нима қилган бўлардинг?” деб сўрадилар.

У шундай жавоб қилди: “Сизни Ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, ўшанда уни қиличим билан чопиб ташлардим!”

Расулulloҳ (с.а.в.) унга шундай дедилар: “Сенга бундан ҳам яхшироқ нарсани кўрсатайми?.. Менга йўлиққунингча сабр қилгин!”

Расулulloҳ (с.а.в.) нима учун айнан шу саволни бердилар?

Амирлар... ва мол-дунё...

Абу Зарр (р.а.) ҳаётини бағишлаган масала шу эди. Унинг жамият билан, келажак билан бўлажак муаммоси мана шунда эди.

Дарҳақиқат, Расулulloҳ (с.а.в.) бу муаммони билганларидан, “Менга йўлиққунингча сабр қилгин”, деб насиҳат қилиш учун унга шундай савол берган эдилар. Абу Зарр энди муаллими Расулulloҳнинг (с.а.в.) васиятларини ёдлаб олади. Энди уммат молини ўзлаштириб оладиган амирларга қиличини ҳеч қачон яланғочламайди. Лекин уларнинг олдида жим турмайди. Расулulloҳ (с.а.в.) унга Ҳақ йўлида кескир тилини ишлатишни ман этмадилар.

* * *

Расулulloҳнинг (с.а.в.) замонлари ўтди. Сўнгра алдовлар ва фитна сабаблари комил тизгинланган Ҳазрати Абу Бакр замони, Ҳазрати Умар замони кечди. Шаҳватга мойил, орзу-ҳавасли нафслар истакларига йўл тугул, туйнук ҳам тополмай ўтди.

Умарул-Форук ҳам дунёни тарк этди... Фатҳлар кенгайишда давом этар, неъматлар тўкинлиги ошган, ҳаёт фаровонлашган сари рағбат ва ингилиш туғёнлари ҳам катталашиб борар эди.

Абу Зарр хатарни ҳис қилди...

Дунё ўзининг ботил жимжималари ва ширин алдовлари билан Аллоҳнинг байроғини кўтариш ҳаётий бурчи бўлган солиҳ кишиларни ҳам фитна-налантира бошлаган эди.

Яна кимни денг? Расулulloҳнинг (с.а.в.) асҳобларини-я...

Абу Зарр буларнинг барчасини кўрди. Қўлини қиличга чўзиб, уни ҳавода сермади. Ўрндан туриб, мўлжалдан адашмайдиган қиличи билан жамиятга юзма-юз бўлди. Лекин дарҳол Расулulloҳ (с.а.в.) насиҳатларини эслади. Қилични қинига солди. Зеро, уни мусулмоннинг юзига кўтариб бўлмасди.

Ўзгартириш ва тўғрилаш қуроли қилич эмас, балки рост, ишончли, қатъий сўздир. Йўлидан адашмайдиган, оқибатидан қўрқилмайдиган одил сўз эди. У айтган бир дона сўз ер юзини тўлдирган қиличлардан кескирроқ эди.

Ростгўйлиги билан у амирларга, бахил бойларга юзма-юз чиқди... Дунёга суяниш билан динда хатар пайдо қилганларнинг ҳузурига чиқди. Чунки бу дин ҳадя эмас, ҳодий бўлиб, мулк эмас, нубувват бўлиб, азоб эмас, раҳмат бўлиб, гердайиш эмас, тавозуъ бўлиб, фарқланиш эмас, тенглик бўлиб, очкўзлик эмас, қаноат бўлиб, дабдаба эмас, хоксорлик бўлиб, ҳаётга ҳирс билан берилганлик эмас, балки фикр ва танбеҳ бўлиб келган эди...

Абу Зарр салтанат ва бойлик ўчоқларига қарши чиқди. Унинг мустаҳкам қалбаларига муҳолафати билан аёвсиз уруш очди. Ҳагто аҳолиси уни кўрмаган чекка ўлкаларда ҳам номи машҳур бўлди. Ҳар замон ва маконда такрорланадиган мадҳия ва чақириғи одамлар худди қасидадек куйлашаётган ушбу Қуръон калималари бўлди: **“Олтин-қумушни босиб, уни Аллоҳ йўлида инфоқ эҳсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб “хушхабарини” етказинг! У Қунда (қийматда) ўша (олтиш-қумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилур”**.

Тоққа кўтарилса ҳам, текисликка тушса ҳам, шаҳарга кирса ҳам, амирга рўбарў бўлса ҳам, тилида мазкур калималар бўларди. Одамлар унинг келатганини кўрганларида истиқболига: “Босиб қўювчиларга жаҳаннам ўтидан бўлган тамға “хушхабарини” беринг”, деб пешвоз чиқишарди... У тез орада бутун Шомни тўзгиган ари уясига айлантириб юборди. Ҳаттоки ҳоким Муовияни молдунёси ҳақида сўроққа тутди, Маккадаги уйи, Шомдаги қасрлари ҳақида қийин-қистоққа олди. Сўнгра чорбоғ ва қасрлар соҳиби бўлган саҳобаларга қичқирди: “Кўзингиз олдида Расулulloҳга (с.а.в.) Қуръон нозил бўлган кишилар сизмисиз?!”

Халифа Ҳазрати Усмон (р.а.) уни Мадинага чақиртириб олишга мажбур бўлди. Усмон (р.а.) одамлар Абу Заррнинг фикрига қўшилаётгани учун бу даъватнинг хатари ва кучини соғлом идрок билан ҳис этиб, уни ўз ёнида — Мадинада қолдирмоқчи бўлди. Бу қарорини Абу Заррга мулоиймлик билан изҳор этди:

— Бу ерда, ёнимда қол!

Абу Зарр шундай жавоб қилди:

— Сизларнинг дунёингизга ҳожатим йўқ!

Ҳа, унинг мол-дунёга асло ҳожати йўқ эди... У руҳ бойлигини излайдиган, ҳаётда олиш эмас, бериш учун яшаётган авлиёлардан эди.

У халифадан Рабза деган жойга кетишга руҳсат олди.

...Абу Зарр Расулнинг (с.а.в.) асҳобларидан бирорталари ҳам амирлик мансабини эгалламаслиги ва бойлик тўпламаслигини истарди. Уларнинг ҳидоят раҳбарлари, Аллоҳнинг обид бандалари бўлиб қолишларини хоҳларди. У дунё ваҳшийлигини, мол ваҳшийлигини яхши биларди. Иш шу даражага бориб етдики, гарчи алоқаларни батамом узмаган эса-да, биродарларидан ўзини тортди. Чунки улар энди мансаб эгалари, мол-дунё соҳиблари эди. Табиийки, уларда энди мол-дунё етарли эди...

Шунга ўхшаш яна бир куни Абу Ҳурайра (р.а.) йўлиқиб қолиб, бағрига тортди. Бироқ Абу Зарр уни ҳам четлатиб: “Нари тур... Мансабга минган, баланд иморатлар солган ва чорва-экинзорларга эга бўлган сенмасми?!” Абу Ҳурайра ўзини аранг оқлаб, бу миш-мишлар асосизлигини айтди...

Ироқ амира бўлинг дейишганида, Абу Зарр: “Аллоҳга қасамки, йўқ! Мени дунёингизга ҳеч қачон оғдира олмайсиз”, деб қатъий жавоб берди.

Дўсти уни бир куни эски кийимда кўриб, сўради: “Бундан бошқа кийимингиз йўқми? Бир неча кун олдин сизда иккита янги кийим кўрган эдим-ку?” Абу Зарр: “Уларни ўзимдан кўра муҳтожроқларга бериб юбордим”, деди.

Абу Заррнинг ўзи билан, имони билан шакланган ростлиги ва зуҳди бор эди... У ўз орзулари, амаллари, сулуки, қарашлари билан Расулulloҳнинг (с.а.в.) икки асҳоби Абу Бакр ва Умар қолдирган даражада эди...

* * *

Ҳозир эса Абу Зарр Рабзада — Усмон (р.а.) билан ўтган суҳбатдан сўнг ихтиёр этган маконда ўлим машаққатини бошидан ўтказар эди.

Яқинроқ келинлар, буюк роҳил (вафот этувчи)га видоъ саломини берайлик. Ажойиб ҳаётининг хотимасига бир боқайлик:

Ёнида ўтириб йиғлаётган қорача, озгин бу аёл — хотини...

Аёлга деди: “Йиғи не учун, ўлим ҳақ бўлса?”

Аёли пиқиллаб жавоб қилди: “Сиз ўласиз, менда эса сизнинг кафанингизга етгулик мато ҳам йўқ!”

У ботаётган шафақ мисоли табассум қилди. Аёлига деди: “Хотиржам бўл, йиғлама... Мен бир куни Расулulloҳнинг (с.а.в.) бир неча асҳоблари билан ўтирганимда шундай деганларини эшитган эдим: “Сизлардан бирингиз саҳро-биёбон жойда вафот этади ва бунга мўминлардан бир жамоа гувоҳ бўлади”. Мен билан ўша мажлисда бўлганларнинг ҳаммаси қишлоқларда, одамлар ичида вафот этишди. Фақат мен қолдим. Мана энди мен саҳрода ўляп-

ман... Йўлни кузатиб тур. Мўминлардан бир жамоа бизни топиб олади... Мен, Аллоҳга қасамки, ёлғон гапирмадим ва сен алданмадинг”, деди.

У жонини Аллоҳга топширди.

Дарҳақиқат, рост сўзлаган эди...

Саҳрода шитоб ҳаракат қилаётган мана бу карвон мўминлар жамоаси эди. Расулulloҳнинг (с.а.в.) саҳобалари... Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) карвонбоши эди...

Ибн Масъуд ҳам етиб келмасидан олдинроқ бир ҳолатни “кўрган эди”. Узала тушган жасад, унинг олдида йиғлаётган аёл ва ўсмир... Уловининг жиловини ва отлиқ ҳамроҳларини ўша томон бурди. Биродари Абу Заррни дарҳол таниди. Кўзи жиққа ёшга тўлди. Ва унинг покиза жасади олдида туриб шундай деди: “Расулulloҳ рост айтдилар... Ўзинг якка юрасан, ўзинг якка вафот этасан, ўзинг якка тириласан!”

Ибн Масъуд ўтириб, ҳамроҳларига бу гапларни изоҳлаб, ривоят қилди:

«...Бу воқеа Табук ғазотида бўлган эди. Ҳижратнинг тўққизинчи йили Расулulloҳ (с.а.в.) Исомнинг душмани Румга қарши жиҳодга амр этдилар. Ўша кунлар жазирама иссиқ ва оғир, йўл узок, душман кўрқинчли эди. Муслмонлардан бир қанчаси узрлар важ қилиб, йўлга чиқишдан ўзини олиб қочди. Баъзилар йўл машаққатига чидамай, карвондан ортада қолди.

Абу Заррнинг туяси очлик, ташналик, жазирамадан ҳолсиз эди. Қанча қистамасин, туянинг юришга мажולי етмасди. Бу аҳволда у муслмонлардан орқада қолиб, изни йўқотиб қўйишини ҳис этди. Туядан тушиб, юklarини елкага олди ва яёв йўлга тушди. Оловли саҳрода узок юрди...

Эртаси тонгда муслмонлар дам олишга тўхташганида узокда бир қора кўринди. Расулulloҳ (с.а.в.): “Абу Зарр бўлсайди”, деб орзуладилар. У карвоннинг бошига етганида, жарчи: “Ё Расулulloҳ, Аллоҳга қасамки, бу Абу Заррдир”, дея қичқирди.

Абу Зарр Расулulloҳ (с.а.в.) томон юрди. Уни кўришлари билан Пайғамбаримизнинг юзларида юпатувчи табассум порлаб:

“Аллоҳ Абу Заррни раҳмат қилсин...”

Якка ўзи юради...

Якка ўзи вафот этади...

Якка ўзи қайта тирилади...” дедилар.

Мана шундан йигирма йил ўтиб, Абу Зарр якка ўзи Рабза саҳросида вафот этди. Вафоти бутун ҳаётини ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаган йўлда якка юриб ўтганидан, сўнг рўй берди. У тарихда буюк зуҳди ва қатъий иродаси билан якка яшади.

Энди Аллоҳ уни Ўз ҳузурда якка тирилтиради. Чунки саноксиз фазилатлари кўплигидан Абу Заррнинг ёнида ундан бошқа биров учун жой қолдирмайди!

Арабчадан
Мубашшир АҲМАД
таржимаси

БОЗОРДАГИ АЁЛ

Аёлнинг ҳаққи

«Ислом аёлга уй ишларини қилиш вазифасини топширган. Ислом дини эркакларга хос оғир касбларни аёлларга фарз қилмаган. Лекин аёлларга тегишли баъзи ишларни эркакларга хос ишлар билан тенглаштириб, улар билан барабар савоб олишни жорий этган.

Ҳозирги шароитда мусулмон аёлларга турли сабабларга кўра ишлаб чиқаришда, шифохоналарда, мактаб ва бошқа ўқув биноларида ишлаш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Аёллар уйдан ташқарига чиқишлари билан вазифа соҳасининг ташқарисига чиққан бўладики, бу ҳолда баъзи шартларга риоя этиш керак.

Олимлар аёлнинг иш-ҳаракатларини иккига — эрининг ҳаққига зарар берадиган ва зарар бермайдиган шаклларга ажратишган. Биринчисини ман этиб, иккинчисини жоиз кўришган. Ҳанафий фақиҳи Ибн Обидин марҳамат қиладилар: «Шуни билиш фойдалики, қайси бир иш аёлни эрнинг ҳаққини адо этишдан чекласа, бу хил ишлар ман қилиниши керак. Аммо зарар келтирмайдиган ишни ман этишда маъно йўқ. Шунингдек, бу иш фарзи кифоялардан бўлса, бундан ҳам уни ман этиш тўғри эмас, масалан, доялик, тикувчилик, муаллималик ва ҳоказо...»

Ишлаш билан бирга аёлнинг фарзандлар тарбиясини энага ёки боғча тарбиячиларига ташлаб қўйиши бола ахлоқ-одобига, унинг ривожланишига жиддий нуқсон етказиши мумкин. Чунки ҳеч ким онадек меҳр бериб, тарбияни ўринлатолмайди. Ҳозир давр шундайки, аёл киши кўчага чиқмасдан уйда ўтириб ҳам фарзандига яхши тарбия беролмайди, чунки у замондан орқада қолади. Кунига саккиз соат ишлаб ҳам фарзандларига вақт аж-

ратолмайди, назорат қилолмайди. Демак, шундай шароит бўлиши керакки, аёл ибодатларини ўринлатгани ҳолда, ҳам фойдали меҳнат билан банд бўлсин, ҳам фарзандлари ва эрига вақт қолсин. Шунда оиласига ҳам, жамиятга ҳам самара беради».

Фотимахон СУЛАЙМОН қори қизи



Нафақа эрнинг бурчи

«Кейинги пайтларда аёлларнинг бозорга чиқиб кетгани ҳақида кўп гапирилади, бунда асосан аёлларни айблаш Ислом динимиз кўрсатмаларини билмаслик туфайлидир. Ислом шариасти ҳар қандай шароитда ҳам аёлни кийинтириш, таомланттириш, бошпана билан таъминлаш ва бошқа харажатларни эрнинг зиммасига юклаган. Булар Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суннатлари билан собитдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат этади: **“Эркаклар хотинлари устидан раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёллардан) ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари учун) ўз мол-мулкларидан харажат қилганларидир”** (Нисо, 34); **“Уларни (яъни, оналарни) яхшилик билан едирикийдириш отанинг зиммасидадир”** (Бақара, 233). **“Бой-бадавлат киши ўз бойлигидан нафақа берсин. Кимнинг ризқи танг қилин-**

ган (камбағал) бўлса, у ҳолда Аллоҳ ўзига ато этган нарсалардан (яъни, ўз ҳолига яраша) нафақа берсин!” (Талоқ, 7).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Уларнинг зиммангизда мувофиқ бир тарзда кияжак ва еяжак ҳақлари бордир”**, деб марҳамат этганлар. Муовия ибн Хайр ал-Кушайрийдан (р.а.): **“Эй Аллоҳнинг Расули, хотинларимизнинг биздаги ҳақлари нима?”** деб сўраганимда, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Агар таом есанг, унга ҳам едирасан, кийим кийсанг, унга ҳам кийдирасан, юзига урма, ёмон сўкма ва ташқарида ҳижрон қилма”**, (яъни узоқ муддат ташлаб кетма), дедилар. Ҳазрати Умардан (р.а.) ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бану Назирдаги хурмозор ҳосилини сотиб, аҳлу аёллари учун бир йилга етгулик заҳира қилиб қўяр эдилар (*Имом Бухорий*). Абу Масъуд ал-Ансорийдан нақл қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Кишининг топган молини ўз оиласига сарфлаши (нафақа қилиши) садақадир”**, деганлар (*Имом Термизий*).

Мусулмонларимиз эса, ана шу амр-фармон ва кўрсатмаларга риоя этиш, аёллари ва бола-чақаларининг нафақасини қилиш ўрнига, турли баҳоналарни рўкач этиб, ўзларининг шаръий бурчларидан бўйин товлашапти. Ҳамма даврларда ҳам, барча жамиятларда ҳам аёлининг нафақасини қилиш, бола-чақани боқиш, рўзғор тебратиш эркакларга осон бўлмаган. Фақат бу ишнинг машаққат-азобларига чидаган, қийинчилик ва фақирликларга сабр қилган, қўлига қараб муҳтож бўлганларнинг сарфу харажатларини зиммага олган инсонларгина чинакам мўмин ҳисобланишган. Улар охиратда, иншааллоҳ, ажру мукофот, улкан савоб олишади.

Қодирхон АБДУРАЗЗОҚОВ,
Намангандаги “Ҳомиддин қори”
жомеъининг имом-хатиби

НИМА УЧУН ИСЛОМ ДИНИНИ ТАНЛАШЯТТИ?

Буюк Британияда Исломга кираётган аёллар сони кун сайин ошиб боряпти. Уларнинг нима учун мусулмон бўлаётганлари борасида Кей Жардин бир тадқиқот ўтказди.

Таъқиб, руҳий тушкунлик ва бедорликдан азият чеккан Кимберли Мак Криндл тенгдошларининг мазах қилиб, кулишлари сабаб ўзини жамиятга бегонадек ҳис этарди. Шу боис 19 ёшли талаба қиз янги, осуда ҳаёт тарзини қидира бошлади.

Мак Криндлнинг оиласи даҳрий эди. Пенкуикадаги олий мактабда таълим олгунига қадар ҳатто унинг диний маълумоти ҳам бўлмаган. Олий мактабда ўқиб юрган кезлари у ҳар як-

шанба маҳаллий черковга қатнашга одатланди. Лекин қидираётган ҳузур-ҳаловатини тополмади. Эдинбургдаги коллежга ўқишга киргач эса, бир неча мусулмон дугоналар орттирди ва улар орқали илк бор Ислом билан танишди. Кейинги ҳаёти ҳақида ўзи бундай ҳикоя қилади:

“Мен ҳаловат қидирдим. Ўтмишим жуда оғир кечган. Мактабда кўп қийналганман, одамлар мени бесўнақай ва бадбашара дейишарди. Шу сабабли бахтга эришиш йўлини қидира бошладим. Ҳафтада бир марта черковга боришга ҳаракат қилардим. Лекин бу ҳаракатим фақат қизиқиш эди, холос. Мен негадир ўзимни насроний деб ҳисобламасдим. Черковга гўё бегонадек эдим.

Масжидда эса қалб бир осудаликни ҳис қилди. Кунлик беш маҳал ибодат билан ўй-фикрни бир ерга жамлаб, аниқ мақсадни белгилаб олмасиз. Бунда Куръони карим йўлбошчилик қилади. Уни ўқиркансиз, руҳда бир енгиллик сезасиз.

Мак Криндл Исломни қабул қилганига уч йил бўлди. Турмуш қургач, исмини «Тасним Солиҳ» деб ўзгартирди. У Буюк Британиядаги кунда-кун кўпайиб бораётган мусулмон аёллардан бири.

Аниқ маълумотлар бўлмаса-да, Исломни қабул қилаётганлар сони ошяпти, уларнинг асосий қисмини аёллар ташкил этади, дея таъкидлайди Глазго университетининг ижтимоий антропология бўйича бош маърузачиси, Буюк Британияда Ислом муносабатлари эксперти Никол Бурк.

“Инсонлар ҳамма вақт Исломни қабул қилиб келган, — дейди у. — Мендаги маълумотларга кўра, биргина Глазгода ҳозир Исломни қабул қилганлар икки юз кишини ташкил этади, лекин бу кўрсаткич ҳам тахминий. Аниқ рақамлар маълум эмас.

Глазгодаги Казра масжиди имоми Муҳаммад Фарогул Қадрининг айтишича, инсон Аллоҳга яқин бўлиши учун қалб ва онгида хотиржамликни, Ҳақ таолонинг рубубиятини ҳис қилиши жуда муҳимдир.

Ғарбда кенг ёйилган Исломнинг аёлларга ёмон муносабатда бўлиши ҳақидаги ёлғон тушунча туфайли ҳурфикрли Ғарб аёлларининг аксарияти Ислом динининг асл моҳиятини англаб етиш имконига эга бўлолмаяпти.

Глазго ва Эдинбургда Исломни қабул қилаётган аёлларнинг нега ҳаётларини бундай ўзгартираётганлари ўрганиб чиқилди.

Йигирма етти ёшлик Бахийя Малик (собиқ Люси Норрис) учун бу нарсани тушунтириб бериш қийин. Эдинбургда яшовчи опа-сингил Бахия, Виктория ва уларнинг акаси Ғарбий Мидэннинг кичкина қишлоқ черковида ҳар якшанба насронийлик таълимини олишарди. Ёшлари улғайгач черковга бормаи қўйишди. Етти йил олдин акалари имон келтириб, мусулмон бўлганидан сўнг, эгизак қизлар ҳам Исломни қабул қилишди.

“Балки ёшлик давримиз бунчалик бахтли ўтмагандир. Ўша пайтда бизга нимадир етишмаётганини ҳис қилардик. Лекин озгина тортинчоқ-



лигимизни ҳисобга олмасак, оддий инсонлар қатори ҳаёт кечирганмиз”, дейди Бахийя. У Эдинбургда “Оммавий ахборот воситалари ва телевидение” мутахассислиги бўйича ўқиган кезлари ҳам шундай қоникмаслик ҳиссини туйган.

Олти ой Исломи динини ўрганганидан сўнг Бахийя қидирган нарсасини топгандек бўлди ва Лондондаги масжидга бориб, мусулмон бўлганини эълон қилди.

“Менимча, қалбнинг ўзи Исломга интилади, — дейди у. — Буни сўз билан ифодалаш қийин. Қалб сизга бўйсунмаган ҳолда, ички интилиш Аллоҳ томонидан эканини айтаётгандек бўлади”.

Мусулмон бўлаётган аёлларнинг Исломга нисбатан мавжуд нотўғри талқинлардан хабарлари бор. Улар бу фикрларнинг ёлғон эканини аллақачон тушуниб етишган.

“Сиз ўзингизни ҳар доим назорат қилиб юрасиз, — дейди Тасним. — Мусулмон эркаклар сизни муслима аёл сифатида ҳурматлаб, ёрдам беришга ҳаракат қилишади. Ҳурмат ва ҳимояга сазовор бўласиз”.

Бахийянинг айтишича: “Ўзингизни қанчалик либос билан беркитсангиз, сизга шунчалик эҳтирос билан қарашмайди ва сиз билан бир инсон сифатида ҳисоблашишга мажбур бўлишади. Бу ҳол эса сизга эркинлик беради”.

Одатда мусулмон аёллар уйдан ташқарида пардоздан фойдаланишмайди. Ташқи кўриниш ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини улар билишади. Шунингдек, британиялик аёллар Исломи қабул қилгунларига қадар бўлган ҳолатларда юришни энди хоҳлашмаяпти.

Глазгода яшовчи Хафса Хашми бундан 24 йил олдин Исломи қабул қилган. “Бизнинг мақсадимиз дунё ҳаёти ва охираат ҳаётидир. Айрим инсонлар учун бу ғалати туюлиши мумкин. Улар ўлим ҳақида ўйламайдилар. Ҳолбуки, Исломи динида охираатга ишонч имоннинг асосий шартларидан бири. Солиҳ амаллар қилаётганингизни билсангиз, ҳаётимиз ҳам яхши ўтади», дейди у.

Исломи қабул қилаётганлар учун катта масъулият юкланади. Улар кунлик беш маҳал ибодатни қилишлари, еяётган таомларига эътибор беришлари лозим. Баъзилари иш жойларида бошлиқлари билан келишган ҳолда алоҳида ажратилган хоналарда бемалол ибодат қилишади.

Мусулмонликни танлаган аёллар, шунингдек, ташқи кўринишларини ўзгартиришга мажбурдирлар. Шариатда белгиланганидек, аёллар камтарона кийинишлари керак. Тасним илк бор ҳижобга кирганида одамларнинг унга бошқача кўз билан қарашларидан ноқулай вазиятга тушарди. Кейинчалик, ҳатто ҳижобини ечишга ҳам мажбур қилишди.

“Одамлар менга: “Уйингга йўқол!” дея бақиршарди. Бир киши коллеждаги автобус бекатида турганимда, менга тупурган ҳам. Бироқ ҳозир ундай тазйиқлар йўқ, яна ҳижобда юрибман.

Шундай кийинсам ўзимни янада ишончлироқ ҳис қиламан”, дейди у.

Бахийя мусулмон бўлган куниданоқ ҳижоб кийган эди, лекин ота-онаси бунга қаршилик кўрсатишди. Бир неча мунозаралардан сўнг, охири рози бўлишди.

Таснимнинг қарори унинг дахрий ота-онасини ғазаблантириб юборди. “Мендаги ўзгаришни улар дастлаб ўткинчи ҳавас деб ўйлашди, бироқ ҳижобга кирганимни кўриб, аҳдим қатъий эканига ишонишди. Оила қуриш борасида сўз очганимда эса, ортиқ чидаб туришолмади. Улар бошқа миллатга мансуб, ўзимдан ёши катта мусулмон киши билан турмуш қуришимга рози бўлолмас эдилар”.

Тасним онаси билан олдингидек яқин, бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлсалар-да, эътиқод масаласида гаплашмасликка ҳаракат қилишади. Отаси эса у билан алоқани узиб қўйди.

Йигирма тўрт йил олдин Исломга кириши ғайритабиий ҳодиса туюлгани учун, ўз қарорини ота-онасига айтиш Хафсага қийин бўлган. Уларга бу гап умуман тескари таъсир кўрсатган. “Менимча, онам мен турмушга чиқаётган киши сабабли мусулмонликни қабул қилган деб ўйлаган. Лекин мен тўрт йил олдин имон келтириб, мусулмон бўлган эдим. Оила қургунимга қадар ота-онам бундан беҳабар эди. Тўйимиз бўлиб ўтганидан кейин онам: “Агар сен бахтли бўлсанг, мен ҳам бахтиёрман”, деди. Бироқ чамамда у барибир норозидек эди. Отам эса ўз йўлимни топганимдан хурсанд бўлди. Ҳар иккисининг ўртасидаги фарқ ҳам шунда”.

Тасним икки йил олдин суданлик Собир билан турмуш қурган. У илгари ўзини бунчалик бахтли ҳис қилмаган. “Турмуш ўртоғимни коллежда учратиб қолганман. Мен унга инглиз тилини ўргатардим, у эса менга Исломи дини ҳақида гапириб берарди”, дейди у.

Бахийянинг турмуш ўртоғи Шарафиддин (собиқ Камерон) ҳам мусулмонликни яқинда қабул қилганлардан.

Тасним, Бахийя ва Хафса айрим таомларни истеъмол қилишмайди, шунингдек, маст қилувчи ичимликлар ҳам ичишмайди. Аёлларнинг айтишича, улар мусулмон бўлгунларига қадар ўтган турмуш тарзларини сира қўмсамайдилар.

“Мен учун Исломи етарли, — дейди Бахийя. — Агар сиз ҳидоят йўлини танласангиз, бошқа ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайсиз”.

Мусулмон бўлгач, Тасним узоқ йиллар қидирган бахтига эришди. “Исломи сизнинг ҳаётга муносабатингизни, хулқ-атворингизни ва фикрлаш тарзингизни тубдан ўзгартириб юборади, — дейди у. — Ҳозир мен ўзимни янада қатъиятли, бахтли ва мамнун ҳис қиляпман. Мен орзу қилган нарсага эришдим...”

www.therevival.co.uk



Тошпўлат ХОЛМАТ

Кўнгилни ҳеч тор қилакўрманг

(Тўртликлар)

* * *

Беш кунлик дунёдан ўтаётирман,
Дўсту душман аро кетаётирман.
Содданинг ёнида минг айёр,
Ёниб манзилимга етаётирман.

* * *

Кўнгилга қўндими ҳасаддан ғубор
Тез қулоч ёйди мисоли чинор.
Нур тушмас захкашда намиқиб, ҳатто
Сув сингмас тошда ҳам унади мафор.

* * *

Кенг кўнгилни тор қилакўрманг,
Лоф деб йўқни бор қилакўрманг.
Зиқна, лофдан наф кўрган борми,
Элда ўзни хор қилакўрманг.

* * *

Тошни тошга урсанг, учқун таралар,
Пулни пулга чақсанг, олтин яралар.
Чақар бўлма асло бирни бировга,
Чақимчининг юзин дўзах қоралар.

* * *

Ёмоннинг тили тиф, тилади,
Бағрингни қора қон қилади.
Қалқонинг бўлмаса, яралаб,
Мазахлаб, мажруҳ деб кулади.

* * *

Гумон қарға, чўқилайди юрагингни,
Қаро ерга киргизади тилагингни.
Бундай чоғлар сабр сариқ олтин эмас,
Ғафлат босар шимармасанг билганингни.

* * *

Кўчангни чангитмадим беҳуда чопиб,
Бошингни гангитмадим баҳона топиб.
Бунчалар ақиллади ортимдан лайчанг,
Илож топганида оларди қопиб.

* * *

Азизим, неларни истамас кўнгил,
Дур-зарга ўралса, очилар гул-гул.
Меъёрдан ортиқроқ эт қўша этга,
Пойгага ярамас ҳар қандай дулдул.



* * *

Оловни авж олдирмоқ учун
Бурқсиган ўчоққа бош тикди косов.
Бирдан гуриллаб, сачратиб учқун
Косовнинг тожиги айланди олов.



* * *

Муҳтожликни айб деманг бу рўёда,
Бир уловга муҳтож доим пиёда.
Ўғил-қизлар меҳрга, ота-оналар
Дийдорга зор, тўйган борми дунёда?!

* * *

Дунё сен ўйлаганча тор эмас,
Рўзғор уммон эмас, ғор эмас.
Феълу атворингга боғлиқ ҳар юмуш,
Шукру сабр зиқналарга ёр эмас.

* * *

Кичик кулбам, гувала ғиштдан,
Нолимайман асло турмушдан.
Остонадан кирсам фориғман
Кўчадаги минг хил миш-мишдан.

* * *

Яхшию ёмонни англамоқ учун
Озгина фаросат, ақл кифоя.
Кучлига қул бўлиб, ожизга кучин
Кўрсатган жоҳилга бўлма ҳамсоя.

* * *

Узоқлашса дўст, аянчли ҳол,
Ўпкалама, яхши ўйлагин.
Урмай-сўкмай, эҳтимол,
Йиртгандирсан кўйлагин...

* * *

Қарилик куп-қуруқ савлатдир,
Қўл-оёқ, жисминг камқувватдир,
Дея ўксимагин, нолима зинҳор,
Сўзинг соф дур, бўлса ўгитинг гавҳар.

* * *

Хом сут эмган бандамиз,
Шодмиз, янграр хандамиз.
Ибодатсиз ўтсак, ўтинмиз
У ёқда гулхандамиз.

* * *

Жаҳлнинг хуркак отига минма,
Жунбушли денгиз бехатар дема.
Пўртана ичра писта пўчоқдек
Фарқ бўлар измини йўқотган кема.

Дунё ўзи синов учун яралган

Толиб НОСИР

Изҳор

Мен сени севмақдаман Одам замонидан буён,
Жумла ошиқлар билур сўрсанг агар мендан нишон.

Бир ўлиб, икки тирилгум исминг айтиб, нозанин,
Ҳар саволга севгилим деб номинг айларман баён.

Сен юрарсан Ширину Лайлою Зухролар билан,
Мен бориб Фарҳоду Қайс, Тоҳир ила бўлгум, инон.

“Турки Шерозий”, дея Ҳофиз сенга берди кўнгул,
Турки Фарғонам, дея чорлай бу кун, эй меҳрибон.

Икки оламда сени севгум яғонам, ёлғизим,
Қўйма танҳо бу қулинг, икки дунё ичра хон.

Толиби дийдора лутфинг-ла тараҳҳум айласанг,
Содиқ ошиқдур қиёматга қадар ул жонажон.



Ўзингдан келмишам, боргум Ўзингга,
Иноят айла бу заъфар юзингга.

Яралмасдан бурун берган эдим сўз,
Унутсам ваъдани, киргиз сўзингга.

Гуноҳ қашқирларидан бер омонлик
Чўпонсиз йўл йўқотган бўз қўзингга.

Валийи неъматимсан, юз ташаккур,
Ризо бўлгин сен ҳам берган тузингга.

Ҳали кавсарлара айлантирурсан,
Бугунча розиман қору музингга.

Яшил ёшлик ўтиб ёзу баҳорим,
Алишдим зумрадим олтин кузингга.

Табиатда қачон ҳуснингни кўрсам,
Йиқилдим оҳ уриб оҳу кўзингга.

Тилаб васлингни бир Толиб қулингдур,
Қаноат айлаган озу узингга.



Кун десам кун, ой десам юз ойча бор,
Нурига парвона диллар бойча бор.

Ул қуёш ишқи тушиб мен заррага,
Қору қойдек эриб оқсам, сойча бор.

Олти ойми мен-ла ул ой ораси,
Бир умрлик йўлми ё Олтойча бор...

Ой Буроқ узра, Буроқнинг олдида
Бойчибор, Дулдул, Фиротлар тойча бор.

Қўл суқай қирқ дарчадан, қўймас қуруқ,
Мен гадои ишқ, у Ҳотамтойча бор.

Мен каби қақнуси йўқ ишқ оташин,
Ол ёноқлар кулчаси ширмойча бор.

Қоши ё қошинда Толиб тик бошин
Синган ўқдай эгса, қадди ёйча бор.



Фарғона

Абдулбосит АБДУЛЛОҲ

Дунё ўзи...

Отларни тепкилаб ўтади тойлар,
Эҳсон нималигини билмайди бойлар,
Султон эшигини олимлар пойлар,
Дейди: дунё ўзи шундай яралган.

Разолат, қабоҳат урчир ҳар ёқда,
Нодон айшин сурар, доно — сўроқда,
Қопқир итнинг боши тилла товоқда,
Дейди: дунё ўзи шундай яралган.

Бугун насиҳатгўй бузуқ, хотинбоз,
Омадли саналур бой, бўйи дароз,
Малол келар тоат, ихлос ва намоз,
Дейди: дунё ўзи шундай яралган.

Дунё асли бундай эмас, эй мўмин,
Икки йўл аро сен ҳайрон турмагин.
Ҳидоят сари юр, йўлинг-ку тайин,
Дунё ўзи синов учун яралган.

Наманган

Ўтамиш Ҳожи ибн МУҲАММАД ДҮСТИЙ

ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим... Ҳизматларида маълум бўлғайким, бу фақир ҳақир Ўтамиш Ҳожи ибн Мавлоно Муҳаммад Дўстий ҳазрати хоқони мағфур маҳдум Ёдгорхон хонзодасининг¹ хоназот бандазодалари ва қадим хизматкорларидан турур. Ул маҳалда ҳазрати султон ул-аъзам ва-л хон ул-мукаррам ал-мағфур би-инояти-л-молики-л-маннон Абу-л-Мансур Элбарс баҳодирхон хизматларинда бўлур эрдим. Чун булар Чингизхон набиралари эрди ва мен бу хонадоннинг неъматлари бирла фарварда (парварда) бўлуб тилар эрдимки, камоҳақ² билсам. Чингизхон ўғлонларидан ул Дашт вилоятинда³ ким хон бўлгондан сўнг ким хон бўлди ва андин сўнг не вақтга тегру⁴ не тартиб бирла кимлар хон бўла келдилар ва буларнинг орасинда не турлик уруш ва не турлик можаролар кечти — буларнинг барчасин камоҳақ билсам. Таворихларки⁵ кўрдим, буларнинг бир озроқининг отлари битиклик эрди ва бас. Не иш бирла ва не кайфият бирла хон бўлгонлари мазкур эрмас эрди ва кўпракиннинг отлари ҳам мазкур эрмас эрди. Чун манга доия⁶ ул эрдиким буларнинг аҳволидан камоҳақ билсам, бу жиҳатдан ўтруким, фалон киши қари сўзни яхши билур тесалар, албатта, андин бориб таҳқиқ ва тафтиш қилур эрдим ва ақл тарозусига мувозана қилиб маъқулин хотиримда излаб, номаъқулни бартараф қилур эрдим.

Халладаллоҳу таоло мулқаҳу ва айяда салтанатахуға⁷ доия бўлдиким, Йўжихон (Жўжихон) ўғлонларининг аҳволот ва кайфиятларини ва тартиб бирла кимдин сўнг ким хон бўлгонларини, то бу вақтга тегру не иш бирла ва не кайфият бирла ораларинда не турлик урушлар, не турлик можаролар бўлгонин — барчасин маълум қилиб хотирларинда сақларға рағбат қилиб, ул жиҳатдан бу фақирни ҳақирни чорлатиб келтириб, андоғ инояту шафқатлар қилиб, булар аҳвол-кайфиятлариндин сўрар эрди. Чун ҳикоят кўп эрди, кўрдиларким, эшитмак бирла забт қилмоқ бўлмас. Охир ҳукм қилдиларким: “Менга бу ҳикоятларни китобат қилиб берингиз”, — теб. Чун фақир аларнинг бандазодалари эрдим, ҳукмларини ўзга қила олмай, бу амри хатни ихтиёр қилдим. Ал-маъмур-маъзур⁸.

Фараз бу муқаддимотдин ул турурким, бу нусхани ҳақирдин ўқуғон ва эшитган азизлардин ва улўғ-кичикдин, ёронлардин илтимос ул-дурким, бу сўзлар, бу ҳикоятки, бу нусхада битилди, ҳеч дафтарда ва ҳеч таворихда йўқ турур. Барчасин эшитмак бирла битиб турурмен. Тақи фақирни бу ишим маъмурлиғидин маъзур билсалар, индаллоҳда зое бўлмағай. “**Инна Аллоҳа ла юзиъу ажрал муҳсинина**”⁹.

Чингизхон достони

Чун Чингизхон вилоятларни фатҳ қилди, бир тарафи Бағдод ва бир тарафи Ҳиндистон, бир тарафи Дашти Қипчоқ ва дарёи Эдил¹⁰ эрди. Бу вилоятларни тўрт-беш ўғлига бахшиш қилди. Ироқ вилоятини Ҳалокухонга¹¹ берди. Уғодойхонни ўз вилоятинда қўйди. Тўлихонни ўз қошинда сақлар эди. Чиғатойхонга Бухоро ва Самарқанд, Хурсон ва Ҳисор вилоятларини берди.

Аммо Йўжихон барча ўғлонлариндин улўғроқ эрди, азим лашкар қўшиб Дашти Қипчоқ вилоятига салғаб юборди. Отларинга ем бўлсин, теб Хоразм вилоятини берди. Чун Йўжихон Дашти қипчоқ вилоятингаки, мугаважжих¹² бўлди. Улўғтоғки машхур турур, анга етишдилар. Бир кун тоғ орасинда ов овлайи чиқиб кетди. Бир бўлак марал-кийиклар йўлуқди. Ани қувалаб отарда отдин йиқилиб, бўйни синиб вафот бўлди.

Эжонхон ва Сойинхон

Эжонхон бирла Сойинхон машхур турур. Турралихон қизи заифасиндин туғгон эрди. Яна ўн етти ўғилким, ўзга заифалариндин бўлуб эрди. Бу Эжон бирла Сойин хонлиқни бир-бирисига муроёт қилдилар. Сойинхон кичик эрди, оғаси Эжонга айди: “Отам ўрнига оғомсен, ҳамон отам турурсен. Ёт юртга бора турурмиз, “хон бўлғил”. Эжон айди: “Менинг сендин ёшга улўғ эканим рост. Аммо отамиз сени бисёр суюб эрка ўстуруб эди. Бу чоқга тегру сенинг эркалигинг ва маҳолларингни чекиб турурмен. Шоядки, хон бўлсам бурунқитек маҳолларингни чека олмаймен. Тақи орамизда уруш-адоват бўлғай. Сен

ўқ хон бўлғил, сенинг хонлиқингга мен чидармен. Аммо менинг хонлиқимга сен чидамассен”. Сойин “ул теган не сўз бўлур? Ясоқли оғом турғонда менга не ўхшарки, хон бўлғаймен”, — дея оғосига кўп таклиф қилди. Қабул қилмади эрса, айди: “Бўлмаса, бир иш қилоли. Улуғ бобомиз Чингизхон қошига бороли. Мен ҳам сўзумни арз қилайин, сиз ҳам сўзунгизни арз қилингиз. Ҳар не бобомиз ёрлиғи бўлса, анинг бирла бўлоли”, — теди эрса, бу сўзни маъқул кўриб, қабул қилди. Бир онадин туғғон икки ўғил ва ўзга онадин туғғон ўн етти ўғил барчаси кўшилиб улуғ хон кўрунишига бордилар. Буларки хонни хизматиға етишдилар, хон буларға уч ўрга (ўтов) солди. Олтин бўсағали оқ ўргани Сойинхонга солди, кумуш бўсағали кўк ўргани Эжонга солди, пўлат бўсағали бўз ўргани Шайбонга солди. Уч ерда Шайбонхон ўғлонлари Тўхтамишхон била Темур қутли ва Ўрусхон ўғлонларига фахр қилиб мақтанурлар: “Биз сизлардин ортуқ турурмиз”, — теб. Ул бири — ўрга турур. Айтурлар: “Отамиз Йўжихон ўлгандан сўнг улуғ бобомиз Чингизхон қошинга оталаримиз бордилар эрса, Эжон бирла Сойиндин сўнг бизнинг отамиз Шайбонхонга ўрга солди. Сизларнинг оталарингизга теган¹³ ҳам солмади”, — теюрлар. Тақи иккинчи улким: “Ўзбекхон қаҳр қилиб қиёт Исатойга урум четиб (иноят кўргизиб) барча ўғлонларини эл-

кунлари била кўшун берди эрса, ул тақи бизни иззат ва ҳурмат қилиб: “Қилич чобқон, юрт очқон Эр Шайбоннинг ўғлонларидур”, — теб икки боғлиғ элни бизга берди: бири қорлиқ, бири буйрак турур. Ул икки элни олиб Сойинхон солғон юртимизда ўз ҳолимизга кўйғондур. Биз ул Жир Қутлининг кошонасига тош кирпич (ғишт) кўйғонда ва тақи ўғли Тенгиз Буғонинг эшикинда кўрлаб (кўр тўкиб), ўтоқина (ўтови остонасига) юкунганда ул ишларда биз йўқ турурбиз”, — тейурлар. Улким Сойинхон ўғлонлари Бердибекхонда тамом бўлди эрса, Жонибекхоннинг онаси Тойдуволи бегим: “Эмди юрт тақи хонлиқ Шайбонхон ўғлонларига тегар”, — теб Манкутой ўғли Хизрхонни ундатиб элтиб, Сарой вилоятинда хон қилди. Сойинхон ўғлонлариндин сўнг ул хон тахтинда хонлик бўзга теккандур, терлар. Бу бир дафъа сўз мунда тақриб (қисқача) бирла айтилди. Эмди келдик яна аввалқи сўзнинг бошиға.

Чун Чингизхон ўғлонларига ўргалар солиб, ул ахшом (оқшом) йўсун — кўналгани ҳисоб ясади, тонгласи кўруниш берди. Ўн икки кўр тузилди ва беклари берйак (тартиб) бирла ўлтурдилар. Жавлон чекиб ош-таом ейилгандин сўнг Сойинхон қайтиб юкунди, тақи айди: “Отамиз ўлди эрса, ўрниға ҳамон отамсен. Ёт юртға бора турирбиз, хон бўлғил”, — тедим. Қабул қилма-

НОЁБ ЁДГОРЛИК

Ўтамиш Ҳожи ибн Муҳаммад Дўстий мазкур асарини шайбонийлар сулоласига мансуб ҳукмдор Эш Султон буйруғига кўра ёзган. Маълумки, шайбонийлар сулоласи вакиллари ўзларини Чингизхоннинг невараси, унинг тўнғич ўғли Жўжихоннинг фарзанди Шайбонхон авлодидан деб ҳисоблашарди. Шунинг учун Эш Султон Ўтамиш Ҳожига Жўжихон авлодлари тарихини энг бошидан ўзлари яшаётган давргача ёзиб қоғозга туширишни топширади.

Жўжихон авлодлари асосан тарихий Дашти Қипчоқ ўлкасида, яъни, Балхаш кўлидан Днепр дарёсигача чўзилиб кетган бепоён ҳудудда хонлик қилишган. Бу мамлакат ўша давр манбаларидан “Олтин Ўрда” ёки “Жўжи улуси” деб ҳам аталади. Асарни ёзишга киришганида Эш Султоннинг акаси Дўст Султоннинг “Дафтар”и истисно этилса, Ўтамиш Ҳожи кўлида ёзма манба деярли бўлмаган. Шунинг учун у асарини асосан ўзи йиққан оғзаки ривоятлар асосида ёзган. Асарда Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Қипчоқ хонлари — Сойинхон (асл исми Ботухон), Шайбонхон (Шайбонийхон эмас!), Беркахон, Ўзбекхон ва ҳоказо ҳукмдорлар тарихи қисқача, содда, равон ва қизиқарли тарзда баён қилинган. Бу китоб муҳим тарихий манба бўлиши билан бирга, ўша давр ўзбек адабий ва

халқ тилини ўрганишда аҳамияти ҳам беқиёсдир. Асарнинг тили ва услуби халқона бўлиб, ўзбек халқ дostonларининг насрий қисмларига ўхшаб кетади.

“Ўтамиш Ҳожи тарихи” Аҳмад Закий Тўғон, В. Бартўлд каби улкан олимлар диққатини жалб этган ва улар асарнинг илмий аҳамиятини қайд этиб, баъзи маълумотларидан тадқиқотларида фойдаланишган. Аммо асар устида энг кўп ва изчил изланиш олиб борган олим қозоғистонлик шарқшунос В. Юдиндир. У нашрга тайёрлаб кўйган асар олим вафотидан сўнг 1992 йили Олмаотада чоп этилди. Ушбу қимматли нашрга атоқли манбашунос олим академик Бўрибой Аҳмедов масъул муҳаррир бўлган ва сўзбоши ёзган. В. Юдин изланишда асарнинг Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган тўлиқ бўлмаган нусхасидан фойдаланган. Асарнинг илмий доираларга ҳам кам маълум бўлган иккинчи, тўлиқ нусхасини ишига жалб этиш имкониятига эга бўлмаган. Бу тўлиқ нусхани илк бор Аҳмад Закий Тўғон 1913 йили Ўринбургда топиб аниқлаган ва муҳожирлик пайтида Туркияга олиб кетган. Ўшандан бери Туркияда сақланаётган мазкур нусха баъзи турк олимлари тадқиқотларида “Ўтамиш Ҳожи тарихи” номи билан тилга олинади.

Фулом КАРИМ,

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

дилар. Не жиҳатдан қабул қила олмоғонларин била олмайман. Бу арзимни сизга айтишини теб келдим”, — теди. Хон айди: “Сойин ясоқли сўз айта турур, на учун қилмадинг?”.

Эжон ҳам юкуниб айди: “Балли хоним! Ёшга улуг эканим рост. Валекин отамиз ани бисёр суюб эрка ўстириб эрди. То бу чоққа тегру мен анинг маҳолларин чеккан эрдим. Ул менинг маҳолимни чеккан эмас эрди. Хон бўлсам, бурунқитек анинг маҳолини чека олмагаймен. Орамизда гина ва адоват бўлмай. Сизнинг кўзингизга ёмон кўринурмен. Бу жиҳатдин қабул қилмайман. Эмди ул ўқ хон бўлсин. Мен анинг хонлиқинга чидармен” — теди эрса, хоннинг бу сўзларга кўнгли бузилиб ўғли Йўжихон ёдига тушиб, кўзлариндин ёшлар оқитиб, иккисига тақи дуо-олқишлар қилди, тақи айди: “Тонгла беклар бирла кенгашиб сизларга жавоб берали”. Тонгласи беклар бирла кенгаш қилиб ўнг қўл¹⁴ бирла Эдил дарёсидаги вилоятларини хон йўсуқина Сойинхонга берди, сўл қўл бирлан Сир дарёси бўйундоқи вилоятларни Эжонга бердилар.

Хон кўрунишиндин қайтиб хон солгаган вилоятларинга келдилар. Сойинхон Эдил дарёси бўйунга келгач, черик яроғин қилиб Ўрус вилоятининг шаҳри Маскавга юриди. Айтурлар, ул юришда Шайбонхонга ўттиз минг киши кўшиб қоровул юборди, ўзи сўнгинча юрур эрди. Уч кунлик ерга илгари юрур эрди. Маскав подшоҳи хабар топди, юз эллик минг киши бирла қаршу чиқди. Булар хабар топдилар. Маскав подшоҳи қаршу кела турур теб. Шайбонхон: “Мунинг устинга илғармен¹⁵”, теб айтди. Ҳар неча беклар ман қилдилар, қабул қилмади. Уч кунлик ердин илғор солиб, беҳабар ётгон лашкарининг ичинга иниб келди. Ўрус подшоҳи боса олмай, подшоҳини тутдилар. Лашкарининг ўлтурганин ўлтурдилар, қолғонин асир қилдилар. Чандон молу яроғ, жиба-жавшан (совут-қалқон) тушуб эди, ҳеч ҳисоби ва китоби йўқ эрди. Аммо Шайбонхон ҳукм қилдики: “Ҳар мол ва яроғки, ҳар кишига тушубтур, дастёби олиб қолмасинлар, барчасин келтурсинлар”. Айтурлар, ҳар жинсдин бир хирмон қилдилар: беҳисоб хирмон бўлуб эрди. Икки кундин сўнг хон етишди, бу фатҳу нусратни кўрди. Бу мол-яроғларни барчасини келтириб чекдилар. Бисёр хушҳол бўлиб, Шайбонхонга кўп офарин қилдилар. Андин сўнг Шайбонхонки, келиб кўрунишлар қилди эрса, кўп турлик иноят ва шафқатлар қилиб, суюрғоллар инъом этди. Тушган молу яроғнинг барисини Шайбонхонга суюрғол қилиб, барисин ўз лашкарига бахшиш қилди. Тонгласи кўчиб Маскав вилоятига бориб кирдилар. Бир неча ой анда бўлуб, вилоятнинг ишин-кучин забту рабт қилиб, мол-хирожин қабул қилдириб, доруға-ҳокимлар қўйиб музаффар ва мансур ўз вилоятинга қайтдилар. Басе, булар қайтиб келгунча Эжонхонни навкарлари эясига (эгасига) осий бўлиб, Эжонхонни тамом ўғлонлари бирла ўлтуруб эрди. Бу хабарки Сойин-

хон га келди, улуг мусибат тутди. Эвига (уйига) тушиб об-ош бергандин сўнг черик яроғини қилиб бу ёғий устинга юриди. Булар ҳам туруш бермай, улуглари қочди. Ўзга эл-қуннинг барчасин кўчириб олиб келиб ўз элига қўшди. Тақи ҳар аймоқни бир бекка қўшун берди...

Басе Сойинхон бу вилоятлар била бу элларники забт қилди, андин сўнг барча қариндошларинга эл-қун бериб, ер-юртлар тайин қилди. Аммо Шайбонхонга эл-қун берур, вилоятлар берур чоқда беклари бирла кенгашди эрса, беклари айди: “Бу киши бисёр улуг иш қилди. Ҳоло мунинг кўнгли ўсиб турур. Мунга эл-қун, вилоят бериб ўз қошинга сақламоғинг ўхшамағай. Ул ўттиз минг кишига яқинни анга айирдинг, ул кишини яна лашкар кўшиб, боқмоғон (тобе бўлмаган) вилоятларга юборгил. Ҳар не вилоятки, боқдурса, анинг бўлсин”. Бу сўз хонга маъқул келиб, ул тобун қилгон ўттиз минг кишига яна ўн минг қиёт юролдайни кўшиб Қирим-Каффа вилоятларига салғаб юборди.

Шайбонхон достони

Шайбонхоннинг ажойиб ва фаройиб ишлари бисёр турур. Ул жумладин бир ишни бу мухта-сарда¹⁶ ёд қилдик. Ул бир иши ул эрдиким, Қирим вилоятинда Қир Ери теган хоро офарин¹⁷ берк қалъа бор турурким, анинг берклиги ва мазбутлиқи оламда машҳур турур. Неча йиллар қабоб (қамал қилиб) уруш солдилар, ола билмадилар. Охир ҳукм қилдиким, ахшомдин сўнг тонг отқунча ҳар не ким овоз қилур, ани бир-бирига урушдуринг. Икки қўлларига олиб бир-бирига чақишдура бошладилар. Пақир-қозонларини, табақларини ва чаноқларини ура бошладилар. Қўлнинг ичинда (қўшин орасида) бу садо ва аломатлар кўпдиким, ер-кўк зилзилага келди, қулоқлар тунди. Қалъа халойиқлари саросар анг-танг бўлуб, ҳар сору югурушдилар: “Не ҳол бўлди?”, теб. Ул ахшом тонг отқунча ул-садо ва ул ғавго тинмади. Қалъа халойиқлари ҳам ётиб ухламадилар. То тонгки отди, бас қилдилар. Яна ахшомки бўлди, бояқитек яна аломат ва ғавго кўпордилар. То бир ҳафта — ўн кунга тегру иш — кучлари бу бўлди. Қалъа халойиқлари уйқу-сизликдан хароб бўлур эрди. Бу ғоятга тегру айтурларким: “Агар бир иш қилур бўлса, қилур эрдилар. Шояд, буларнинг бу ойларда ва бу кунларда расми ва одати бу тариқа бор бўлғай”, — теб фароғат бўлдилар. Чун Шайбонхон билдики, булар фароғат бўлдилар, лашкарин йиғдурди. Айтурларки, ул қалъа бир яланг қоянинг устинда турур. Бу ахшом ғавго ва садони кўпроқ қилди. Қалъанинг тўрт ёнидин чоқурлар солди. То тонг отқунча бир киши чиқар чоғли йўл қилдилар. Қалъа халойиқлари ғавго ва садо жиҳатидан метин овозин маълум қилиб хабардор бўла олмадилар. Йўлак тайёр бўлгач, дарвозага уруш солдилар. Қалъа халойиқлари югуриб дарвозага кел-

дилар. Бир жамоат баҳодирларни ул йўлга тайин қилиб турдилар, ул йўлдин югуриб чиққач, қалъага ўзин солдилар. Тақи қалъани олдилар. Ул қалъани кўрган раванда (сайёҳ)лардин сўрадуқ, ҳануз ул йўлнинг худуди бор турур тедилар. Андин сўнг Улоқ вилояти устинга юридилар. Ани фатҳ қилдилар. Андин Кўрол вилояти устинга юридилар. Ани фатҳ қилдилар. Анинг кўп урушлари бўлди. Оқибат фатҳ қилиб, Кўролни пойтахт қилди. Анда вафот бўлди. Тақи ҳоло (ҳозирда) Кўрол подшоҳининг авлоди турур. Шайх Аҳмадхон неча йил анда тутқун бўлиб, яна андин саломат чиқиб, ўз вилояти Ҳожи Тархонға (ҳозирги Астрахан) келди. Ул айтур экандур: “Бизнинг ўзбек тоифасинда ҳарки ўмоқли элки, бор турур, барчасини анда бор турур. Шайбонхон бирла бориб анда қолиб турурлар”.

Шайбонхон ҳикоятинки тамом қилдик, яна келдик Сойинхон ҳикоятига. Сойинхон Дашт вилоятида улуғ подшоҳ бўлди, неча йиллар давлат-саодат била подшоҳлик сурди. Чун ажал етишиб дунёдин нақд қилди эрса, икки ўғли бор эрди: бирининг оти Соритоқ; бирининг оти Тўғон эрди. Соритоқ ўзиндин бурун саккиз ёшда ўлиб эрди. Тўғон тақи ёш қолди. Беклар иттифоқ бирла Ҳалокухонга элчи юбордилар, қилисиз гилоф, ёқасиз кўнглак юбордилар, яъни эл қолди — подшоҳини йўқ, заифалари қолди — эрлари йўқ. Ҳалокухон бу хабарни эшитди эрса, отланиб Ширвон вилоятига келди. Тақи азим лашкар яроғин қилиб қўшун юборди. Бу лашкар ҳануз келмақда, биз келдик Беркахон алайҳир раҳма ва-р-ризвон ҳикоятинга.

Фулом КАРИМ
нашрга тайёрлади

Изоҳлар

- ¹Яъни, мархум Ёдгорхон ўглининг.
²Камоҳақ — ҳақиқатда қандай бўлса.
³Яъни, Дашти Қипчоқ вилояти ёки Жўжи Улусида.
⁴Тегру — қадар, довур; -гача.
⁵Таворихлар — тарихлар; тарих китоблари.
⁶Доия — мақсад, ният; даъво, ирода.
⁷Аллоҳ мулкани паноҳида сақлаб, салтанатини барқарор қилсин.
⁸Буйруқ олган киши маъзурдир.
⁹«Албатта, Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг амалларини зое қилмас» (Таъба, 120).
¹⁰Эдил — Волга дарёсининг қадимий номи.
¹¹Ҳалокухон аслида Чингизхоннинг неварасидир.
¹²Мутаважжих бўлмоқ — жўнамоқ, отланмоқ.
¹³Телаган — усти ёпиқ арава. Ўрис тилидаги «телега» сўзи ҳам туркий тилдан ўтган.
¹⁴«Кул» сўзи бу ерда йирик аскарларнинг бирлашма, яъни, «корпус» маъносидадир.
¹⁵Яъни, «илдам юриш қиламан».
¹⁶«Мухтасар» сўзи бу ерда «Қисқача асар» маъносидадир.
¹⁷Хоро — метин, гранит; хоро офарин — метин-мустақкам.

Қариндош қўшнининг алдови

Акрам молбозорида кам бўлган. Бир зумда уни одамлар ўраб олишди ва зарурат туфайли сотаётган ғўнажинини ҳар томондан кузата бошлашди. Кўпчиликнинг назаридан ўтди чоғи, дам ўтмай, молнинг баҳоси юз йигирма мингга чиқди.

Унинг ишбилармонроқ жияни, “Агар юз йигирма бешга борса, барака берсангиз бўлаверади”, деб маслаҳат берган эди. Нарх “пилиги” яна минг сўмга кўтарилганида ортидан кимдир уни секингина туртиб: “Мол ўзимизда қолсин. Мана шу Исмат қўшнингизга беринг. Девор ичкарига йиқилгани маъкул”, деб қолди.

Исмаат деганлари ён қўшниси, устига-устак, қариндоши. Бу харидор нари кетгач, Исмаат унинг қўлини олиб, силтай бошлади: “Беринг, Акрам ака, синалган мол, Худо хоҳласа, ўзим соғиб ичай, ётга кетмасин”. Агрофдагилар ҳам “беринг-беринг” қилиб қолишди. “Барака” дейин деса, мўлжалга анча бор. Бермайин деса, ҳам қариндош, ҳам қўшни. Томошабинлар қизиқсиниб унинг оғзига интиқ бўлиб туришибди. Меҳр-оқибат туйғуси устун келди: “Бир-икки минг қайдан келиб, қайга кетмайди”.

Исмаат пулни санаб, ғўнажинни боғлаб олди. Майда-чуйда бозорини битириб, уйига қайтаётган Акрам йўлда Исмаатни учратди. Аммо унинг қўлида ҳайвон йўқ.

— Исмаатвой, мол қани? Ё болалар олиб кетишдимми?

— Юз йигирма учга чиқувди, сотвордим, қўшни, — деди ҳеч хижолат тортмай Исмаат.

Акрам нарҳдаги фарқни мутлақо ўйламади. У ўзини алданган, бир оз таҳқирланган ҳис этди. Таҳқир шуки, гарчи элликни қоралаб қолган бўлсада, қариндош ён қўшниси уни алдади. Яна таҳқир шуки, Исмаат бу “уддабурон”лиги ва Акрамнинг “бозоркўрмаган”лигини ҳисобсиз марта давраларда дастурхон қилиши аниқ.

Унинг хотирасида бобоси жонланди: “Отанг бозор, онанг бозор. Бозордақа холис жой кам. Ҳамма нарсанинг баҳосини бозор белгилайди. Яна шуниси борки, бозор шайтон оралаган жой”. Шу Исмаатга ўхшаганларнинг шайтондан қаери кам?! Бўлмаса, икки минг сўм учун иймонини ютармиди?



**Мухтор
СУЛТОНҚУЛОВ,**
Чортоқ тумани



Бир мунаввар олам бор, кўнглимиз унинг нури билан чароғон, руҳиятимиз унинг шуъласи ила тетик. У ақлимизни қувватлантириб, қалбимизга жило бахш этади. Қуръони каримнинг маъно таржималари чиқиб, маънавиятимизда улўғ юксалишни бошлаб берди. Ҳадиси шарифлардан баҳрамандлик солиҳ амалларимизни кўпайтирди, юриш-туришимизда, ахлоқимизда туб бурилишлар ясади. Шубҳасиз, маърифат илинжида, Ҳақ каломидан илҳомланиб битилган бошқа китоблар ҳам бу силсилани тўлдиради. Ўзимизни ўзимизга танитади. Бу китобларнинг ҳар бири бир олам. Тўғрироғи, МУНАВВАР ОЛАМДИР. Бу оламларга эҳтиёжimiz кучлилигини ҳис қилиб, янги китоблар, даврлар синовидан ўтиб, тилимизга ўғирилган таржима асарлари билан янги “Мунаввар олам” рукни остида сиз азизларни таништириб боришни ният қилдик.

Тахририят

ИСЛОМ ҲАЗОРАСИ

Инсоният ҳазора (сивилизатсия)лари, халқлар тараққиётидаги уйғониш (ренесанс)лар ҳақида жар солган китоблар кўп. Лекин уларнинг аксарияти мусулмон кишининг таъбиға ўтирмайди. Негаки, инсон моддий фаровон яшагани билан маънавий қашшоқлик унинг руҳиятини қақшатса, бу даврни тараққиёт замони деб аташ мумкинми. Бу ҳазораларнинг илдишлари бузуқ пойдевор устига қурилганини билиб, бир ихлосингиз қайтса, юксак тараққиёт қулайликлари ҳам нопокликка хизматкор бўлиб қолганини кўриб, баттар хафсалангиз пир бўлади. Энг ёмони, бу жамиятларда даҳрийлик ҳукмрон бўлган. Шу боис уларни юксалиш эмас, тубанлашиш, олдга эмас, ортга кетиш, топиш эмас, йўқотишлар даври демоқ айни ҳақиқатдир. Буни инсониятга Исломи дини англади. Исломи ҳазораси эса, кўрсатди. Ҳазорада одамнинг жисмоний ва руҳий қуввати тугал кўз очди.

XXI аср тонготарида яшяяпмиз. Олимларимиз Марсда ҳаёт асари бор-йўқлиги билан қизиқишяпти. Ўзга сайёраларга олти ойлик олис сафарларга отланишяпти. Ернинг бу чеккасида туриб, у чеккасидаги биродаримиз билан мулоқотлашувимиз қийин бўлмай қолди. Лекин баъзан кўшнимизнинг ҳолидан хабарсизмиз. Кўчамиз ўртасида ағанаб ётган бир кимсани четлаб ўтиб, тирикчилигимизга шошамиз. Бу ҳам асл тараққиёт нималигини билмаслигимиздан, чинакам маданият, ҳазора туйғуси етишмаслигидан эмасми?

Шомлик аллома Мустафо Хусний ас-Сибабийнинг “Ҳазорамиз ажойиботларидан” асари асосида тасниф этилган “Исломи ҳазораси” китоби нега бизга маҳбуб бўлди? Нега бу китоб сизга ҳам манзур бўлади, деган ўйдамыз? Чунки унда чинакам маданий тараққиётнинг моҳияти очилган. Унинг инсониятга фойдаси мозийдаги воқеалар мисолида исботлаб берилган. Ҳазора, аввало, унутилмас яхшилик, эзгулик йўлидаги янги қулайлик, амали даражасида масъулият, ҳукми баробарида адолат, марҳамат экани самимият ила тушунтирилган.

Китобда Исломининг наинки башариятга, бутун жонзотларга тақдим этган бетимсол адолати, бағрикенглиги, меҳрибонлигига, тарихда мисли кўрилмаган илмий кашфиётларга оид юзлаб мисоллар келтирилади. Уларнинг ҳаммасини санаш имконсиз. Мана, бир мисол:

“Макка фатҳ бўлган пайтда Расуллулоҳ (с.а.в.) унга ўн минглаб ботир кўшинлари билан музаффар ҳолда кириб келдилар. Қурайш таслим бўлган эди. У Расуллулоҳнинг (с.а.в.) оёқ остларида, йигирма бир йиллик курашдан кейин Каъба эшиги олдида Пайғамбарнинг ҳукмини кутиб турарди... Пайғамбар (с.а.в.) эса ушбу сўздан ортиқ гапирмадилар. “Эй Қурайш жамоаси! Нима деб ўйлайсизлар, мен сизларга қандай ҳукм қиламан?” Улар: “Фақат яхшилик, эй Яхши ва Яхшининг ўғли!” дейишди. Шунда Расуллулоҳ (с.а.в.): «Бу кун сизлар айбланмайсизлар. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғидир. Бораверинглар, сиз эркинсиз...» дедилар.

Мана, Исломидаги ҳарбий ахлоқ низоми, инсонга инсоннинг кечиримли бўлишининг бетакрор ибрати. Фолибнинг мағлубга эҳтироми.

Ибратларга тўла бу китобни ифтихор сифатида сизга тақдим қилмаяпмиз. Балки тарих шохид ислоний тараққиётнинг мўъжизалари инсон ҳаётини қанчалик яхшилагани ва унинг маънавиятида улўғ ўзгаришлар ясаганидан қувончимиз ичимизга сифмади.

Бу саодатнинг боқий даргоҳи Исломи. Ибрат керак экан, унга интилайлик. Уни чуқурроқ ўрганайлик. Иншааллоҳ, Исломи ҳазораси давом этади. Зеро, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ: “**Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азиз ва мукаррам қилдик**” (Ал-Исро, 70).

Фақат бир мезонни унутмасак бас: “**Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздида энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир**” (Ҳужурот, 13).


Вафо ФАЙЗУЛЛО

Мўмин мўминнинг кўз-гуси, дейилади ҳадиси ша-рифда.

Бугунги турмушимизни кузатиб, ҳаётимизга чирой бўлиб тушмайдиган баъзи ишларимиз хусусида ўйла-ниб қоламан. Нега фойдаси йўқ ташвишларга ортиқча вақтимиз сарфланган ҳолда, зарур ишлар ортга сурилиб, эсдан чиқарилмоқда? Нати-жада фойдасиз амаллар та-омилга киряпти, урф бўл-япти. Айниқса, ёшлар, буни қонундай қабул қилиб, ол-тинга тенг фурсатларини бой беряптилар. Уларни но-тўғри йўлдан қайтариш биз катталарнинг, мўмин-мусулмонларнинг бурчи-миздир.

Шулардан бири туғилган кунларни дабдабали нишон-лашдир. Бунинг тарихи қаерга бориб тақалади. Мен билмайман. Ўтган асрнинг ўрталаригача бирон-бир та-нишим, узоқ-яқин қарин-дошимнинг ўз туғилган кунини нишонлаганини эслолмайман. Ҳозир эса ҳар бир хонадонда катта-кичик туғилган кунини нишонлаш пайида бўлади. Кўпчилик бу санани алоҳида белгилаб қўяди. Сўнг эса бу “та-рихий” кунга зимдан, астойдил тайёргарлик кўра бошлайди. Ўзи, оиласи даврасида мавқега яраша, камтарона ўтказса май-ли. Йўқ, бир юзаки ҳавас қал-бимизни асир қилган. Ҳамма туғилган кунини қариндошлар, дўстлар, ҳамкасблар, маҳалла-қўй, ишқилиб, қўли етганча кўпчилик ўртасида, тантанали нишонлаш, дабдабали ўтказиш ҳаракатида югуриб-елади. “Юбиляр” буни узоқ-яқинга овоза қилади. Ёшу қарини ай-тиб чиқади. Бўлмаса, бир нар-сасини йўқотгандек, одамгарчи-ликдан чиқиб қолгандек ўзини ғариб ҳис қилади...

ОДАМ ДУО БИЛАН КЎКАРАДИ



Бизга нима бўляпти, деб бо-лалигимни эслайман. Ота-онам менга совғани имкониётлари ет-ган пайтда олиб бераверар, ле-кин “бу туғилган кунингга”, деб алоҳида таъкидламас эди-лар. Унинг ўрнига шу кун оят ва ҳадислар асосида ибратли ривоятлар ва ҳикоятлар сўйлаб беришар, яхшиликка даъват қилишар эди. Мен бундан олам-олам завқ олардим. Чиндан ҳам бир ёшга улғайгандек бўлар эдим. Ҳамон қулоғим остида отамнинг ўша ўғитлари жаранг-лаб туради:

— Болам, — дердилар отам кўнглимни осмон қадар кўта-риб, — фақат туғилган кунинг учун эмас, Аллоҳ берган умр-нинг ҳар бир дақиқаси, ҳар бир кунда муваффақ этган ютуғи, инояти учун қувон. Тани-жонинг бутлигининг шукронасини адо қил. Тақдирда битилган экан,

инсон оламга келади. Лекин ўз-ўзидан ўсиб-улғаймайди, камолга етмайди. Бунинг учун тунларни тонгга улаб, кўз нуруни, юрак кўрени берганлар бор. Вақтида ана ўшаларнинг ҳол-аҳволини сўроқлаб, хизматида бўлмоқ керак. Одам дуо билан кўка-ради. Буни ҳеч унутма...

Ақлимни таниганимдан буён бу ўғитга амал қил-моққа уриндим. Бундай кунларда ота-онам, устоз-ларим ҳузурига шошиб, тўққиз ой қорнида кўтариб, мени туққанида тўлғоқ азо-бини тортган, оқ сут бер-ган онажонимни, катта ҳаётга яроқли тарбияламоқ учун кўп заҳматлар чеккан отамни, биринчи устозим-ни табриклар эдим. Аллоҳга шукурки, кам бўлмадим. Бу азиз кишиларнинг дуолари-ни олдим, кўнглиларини ўстириб, қўлимдан келга-нича қарзларимни уздим...

Қолаверса, шу тушунчада қатъий турганим мени бир қан-ча қусурлардан асради. Манман-сираш, ўзига бино қўйиш, яқинларини унутишдан ёмони йўқ-да. Мен бу гапларни ўзим-ни кўрсатиш, кимгадир ўғит бермоқ учун эмас, балки нева-рам тенги бир қариндошимнинг туғилган кунига бормаганимдан ошкора ўпкалаганида нохуш бўлганимдан ёхуд ўзим қатори нуроний бир танишим куёви-нинг туғилган кунини базмга қат-нашиб ҳам обрўйи тукилиб, ҳам гуноҳга ботганига гувоҳ бўлиб, ўз ҳолимизга ачинган-нимдан айтмоқдаман. Туғилган кунни бундай “нишонлаган”дан кўра, нишонламаган минг кар-ра афзал. Сиз қандай фикрда-сиз, азиз биродар?

Тошқул САФАРОВ,
Конимех тумани,
Шўртена қишлоғи

БОЗОРДАГИ АЁЛ

Уларга раҳмим келади

«Ҳар куни ўқишга бораётиб, метронинг “Ҳамза” бекатидан чиққанимда бир аёлга кўзим тушади. Серқатнов йўл бўйида майда-чуйда, папирос ва егуликлар сотиб ўтирадиган хотинлардан бири. Лекин қачон кўрсам, у кимлар биландир бақариб-чақариб уришаётган, гаплашаётган бўлади. Бу ердигиларнинг ҳеч бири унга эътибор ҳам бермайди. Чунки ҳаммага у отнинг қашқаси бўлиб қолган.

Бир куни Қўйлиқ бозорида даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлдим. Ўрта ёшлардаги икки аёл бир-бири билан “эркакчасига” уруишаётган экан. Ҳатто бири оёғини кўтариб тепишга ҳаракат қилар эди...

Бир танишим айтиб берган воқеа ҳам шунга ўхшаш. Бозорда нимадир бўлиб, бир эркак ва аёл уришиб қолишибди. Аёл оғзига келган ҳар қандай сўз билан эркакни ҳақорат қилишга тушибди. Мен аёлман, ҳеч ким ҳеч нарса қила олмайди, деб ўйлаган бўлса

керак-да. Лекин у ҳаддидан ошавергач, эркак унга кўл кўтариб юборибди.

Хуллас, бозорларда бундай кўнгилсиз воқеалар кўп содир бўлади. Бозорчи аёлларнинг гап-сўзлари, муомаласи кўпинча жуда кўпол. Лекин, барибир, уларга раҳмим келади, ачинаман».

Беҳзод МУҲАММАДИЕВ,
талаба

Ҳамият қаяқда қолди?

(Сўнгсўз ўрнида)

Кира машинада Тошкентдан Наманганга жўнадим. “Нексия”нинг орқа ўриндиғига уч аёл жойлашибди. Йўлга чиққанимдан кейин уларнинг ўзаро суҳбати беихтиёр қулоққа чалина бошлади. Учовлари ҳам наманганлик “тижоратчи” аёллар бўлиб, олис Хоразмдан дори-дармон олиб келишаётган экан. Хоразмда фарматсевтика заводи борми, деб ўйлаб турсам, гап бошқа ёқда экан. Русиядан арзон дори-дармон ўша ерга кел-

тирилар, кейин бошқа вилоятларга ташиб кетишар экан.

Аёллар уч кундан буён йўлда юришганини ҳайдовчига тушунтира кетишди. Кеча кечкурун Тошкентга келиб, бир ёлғиз кампирникида тунашибди. Тузукроқ нонушта ҳам қилишмаган экан. Аммо булар Хоразмдаги қийинчилик ва ташвишлар олдида ҳеч гап эмасмиш. Йўлда бирор яхшироқ ошхонада тўхтатишни тайинлаб, пинакка кетишди.

“Буларни олис ўлкаларга қатнаб, савдогарлик қилишга нима мажбурлаяпти? Тирикчиликлари оғирми? Ёки бир неча бола билан тул қолишганми? Ёки эрлари касаллик ёки мажруҳлик туфайли оилани боқа олмай, улар кўчага чиқишга мажбур бўлганми? Бора-боргунча ана шу саволлар миямда чарх ураверади.

Наманганга ҳам етиб бордик. Аёллардан бири шаҳарга кираверишда тушиб қолди. Иккинчиси эса Давлатобод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирида яшаркан, уникага қараб жўнадик. Машина баланд уйларнинг бири олдида тўхтади. Аёл: “Сигнал чалинг, хўжайин чиқадилар”, деди ва юкхонадан катта-катта сумкаларни ола бошлади. Беихтиёр машинамиз томонга тез-тез юриб келаётган спорт кийимидаги алп келбатли, икки юзи қип-қизил йигитга кўзим тушди. Гуноҳкор қулоқларим эр-хотиннинг суҳбатини эшитишга мажбур бўлди:

— Намунча чиқа қолмадингиз, ахир уч кундан буён хотиним йўлда эзилиб кетгандир, деб ўйламадингизми?

— Болаларнинг овқатини сузиб берай, деб тутилиб қолдимда, онаси.

У шундай дедию иккита каттакон сумкани даст кўтарганча уйга қараб юрди.

Машинадаги уч кишининг тилига гап келмасди. Фақат ҳаёлимдан: «Эркаклик ҳамияти қайда қолди?» деган фикр ўтди. Эҳтимол, ҳайдовчи ҳам, учинчи аёл ҳам шу ҳақда ўйлаётган бўлса керак, жимгина кетишарди...

Аҳмад МУҲАММАД

